Сиёсатшунослик ва минтақаларни ўрганиш институти
КУТУБХОНАСИ

«ҲАЁТ» ҲАЁТГА ЯҚИНЛАШЯПТИ

"Ҳаёт — имконият, уни бой берма, унга ҳайратланиб боқ! Ҳаёт орзудир, уни рўёбга чиқар. Ҳаёт бурчдир, уни виждонан адо эт! Ҳаёт муҳаббатдир, севиб яшагин. Ҳаёт сир-синоатларга тўла, уни ошкор эт! Ҳаёт фожиадир, уни қутқарувчи бўл! Ҳаёт бахтдир, уни ўзинг ярат! Ҳаёт буюк неъмат, ўз ҳаётингга зомин бўлма!"

2-бет

СЎЛ КАЙФИЯТДАГИ «ЯНГИ ДУНЁ»

Геосиёсатда "Кимки Лотин Америкасига эгалик қилса, у дунё бошқаруви калитини қўлга киритади" деган қараш мавжуд. Сўнгги пайтларда жаҳонда етакчи бўлишга очиқ ҳаракат қилаётган АҚШ ва Россия ўртасида минтақа учун курашнинг кучайиб бораётгани мазкур мунозарали фикрни тасдиқлаётгандек...

Бугун Лотин Америкасида Қўшма Штатларга қарши бутун бошли иттифоқ шакилланди ва тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

3-бет

ОЙДИН ҚАЛБЛИ МЕҲРИБОН АКАМ

У юриш-туришда ота касби — деҳқондай содда, фикрлари қишлоғига туташиб кетган ўрмонзор табиатидай сирли, жозибали, қораламалари эса Гуркуровнинг икки томондан айқириб оқиб ўтувчи асов Тентаксой ва сокин Қорадарё каби ички-ташқи туғёнларга бойлиги билан пойтахт адабий жамоатчилигининг эътиборини торта бошлади.

4-бет

O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan | Chorshanba kunlari chiqadi | E-mail: hurriyat@mail.ru | № 30 (492) | 2006-yil 2-avgust

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Кечмиш

ДУОЛАРДА ЯШАНГ, ОДАМЛАР!



Хушхабарнинг қаноти бор. Кутилмаганда бутун Жиззахда шов-шув бўлиб кетди: "Тоқчиликда 112 ёшли момо бор экан! Кеча "Ойнаи жаҳонда" кўрсатишди".

Момони излаб, Жиззах туманидаги Тоқчилик маҳалласига — Тинчлик кўчасидаги 5-уйга бордим. Момонинг кенжа қизи 75 ёшли Қурбоной момо ҳам мен билан измаиз келаётган экан. Биз борганда момо очиқ айвон саҳнида, офтобрўяга солинган кўрпача устида рўмолчасини ҳафсала билан тахлаётган экан.

—Кўп яшаган Хизр билан баробар дейишади, момо. Умрингиз янаям узун бўлсин. Мен, эсингизда бўлса, болалигингиз, кўрганкечирганларингиз, келинлик чоғларингиз ҳақида икковимиз бир ҳангома қилайлик, деб келдим...

—Ий-и, болам, эсламай ўлдимми, бариси кечаги гаплар-да. Кокилларим елкамни тўлдириб юрарди. 16 ёшимда Шоди бобонгизга унаштиришди. Тўйдан сўнг элбошимиз Абдураим ака раҳматли оқ отга миндириб олиб келганди. Тушган жойим, ҳув-в Кўтарма тарафларда бўлиб, юртнинг энг олди одамларидан ҳисобланарди. Қайноғамни Мулла Муқим қози дейишарди. Қайнотамнинг ичкари-ташқарили данғиллама уйлари, қўра-қўра қўйлари, моллари кўп эди. Тозаям эрка келин бўлганман. Ўн еттининг устида тўнғичимиз Саломат туғилди. Сўнгра Султонмурод, Бердимуродлар дунёга келишиб, уйимиз қувончга тўлди. Жами 7 нафар фарзанд кўрдим. 27 ёшимда бир кечада қизиллар келиб, қайнотамни, қайноғамни, Шоди бобонгизни олиб кетишиб, дом-дараклари билдирмай қўйишди.

— Кейин-чи?

— Оҳ, болам-а, уларни олиб кетишгач, хонадонимиз арининг уясидай тўзғиб кетди. Бари мол-мулкимизни "болшевиклар ҳукумати"га ўтказдириб, ўтирган уйимизгача тортиб олишди. Болаларим билан кўчада қолдим. Ота-онам дунёдан ўтиб кетишган, ўзи ёлғиз қиз эдим. Борар жойим йўқ. Ўшанда шу кенжа қизимга оғироёқ эдим. Бировларнинг ҳовлисида пиёз ўтадим, кўрпа тикдим, ўтин тердим. Оқсочлик қилиб топган бир бурдагина зоғора нонни рўмолимга ўраб келиб, болаларимга едирардим. Вақти етиб, шу қизимни бировнинг оғилида туғдим. Худо урганни Пайғамбар ҳам ҳассаси билан турткан денг, болам, ўша қаро кунларимнинг бирида тўрт болам қизамиқ дардига йўлиқди. У пайтларда дўхтир қайда дейсиз. Шўрлик уч ўғлим бир оқшомда дардга дош беролмай... (момо бирдан тўлиқиб, узун енгларига кўз ёшларини артиб, чуқур хўрсинди). Кўп ўтмай тағин бир қизимизни ҳам Аллоҳу карим ўз даргоҳига қайтиб олди. Ҳаҳ, болам-а, шундай болаларим бор эди-я, уларни кўриб томоша қилардингиз, уҳ-ҳ, дунёлари қурисин-а...

Ўртамизга залворли сукунат чўқди.

— Момо, — дедим бир маҳал астагина "Жиззах қўзғолони" бўлган кунлар эсингизда борми? Бобомиз раҳматлини Шодибой дейишаркан. Сиз ҳам Шодиева экансиз, шулардан айтинг.

— Саратоннинг қизириқ кунларида бирдан Жиззахга ҳам Оқпошшо келармиш деган ваҳима оралаб қолди. Эл-улус қўлига илинган нарсани қурол қилиб олиб чиқишди. Катта тўполон бўлди. Оқпошшоси қипқизил кофир экан. Мачитни тўпга тутиб, ўт қўйди, ёндирди. Худонинг уйини-я! Ҳай-ҳай, алҳазар денг, болам, алҳазар! Бари эркакаёлни бола-бақра билан Қили чўлига ҳайдаб кетишди. Йўлдаги, чўлдаги ташналик, очлик азобларини мен айтмай, сиз эшитманг, қизим. Бошимизга ит кўрмаган азобларни солишди. Яна "Граждан уруши" деган урушлар бўлди. Кейин босмачилар чиқиб, Тоқчиликнинг биринчи "старчини"ни (маҳаллабоши) — Ортиқбойни ариқнинг олдида сўйиб кетишди. Орадан йиллар ўтиб юрт бироз тинчиди. Колхоз бўлдик. Қирда буғдой ўриб, машоқ терамиз. Ҳар ишлаганга ҳақ бериладиган экан. Бригадир "фамилиянгизни айтинг", деди. Қайнота, эрнинг номини айтиш у ёқда турсин, ўз ота-акаларимизнинг отини айтишга ҳам андиша қилардик. Кистайверишгач, зўрғагина "Шоди" деганман, "фамилия"нинг маъносини қаёқдан билайин. Шу-шу Шодиева Руқия бўлиб кетдим. Ҳозир ҳам почтачи шундай деб пенсиямни олиб келади. Менда-чи, қизим, пул кўп. Бу қизларим, невараларим, ўзи ёшларнинг барисиям пул йиғишни билишмайди. Меники кўп. Ҳали ўлмайман! Лекин эрта бир кун қайтиш қилсам, булар шошиб қолмасин дейман-да.

— Аям эски, "совет" давридаги пулларниям йиғиб қўйган. Ўшаларни қўшиб айтаяпти. Ая, энди у пулларингиз ўтмайди.

— Сен кўп маҳмадона бўлма. Бекор айтибсан, ўтади. Давлат муҳр қўйган нарса ҳеч қачон қолиб кетмайди. Ҳа! — Момо етмишдан ошган кенжа қизига танбеҳ бериб, тартибга чақиради.

— Момо, кейин бошқа турмуш қурмадингизми? — Момонинг нурсиз кўзлари бирдан алланечук чақнаб кетгандай бўлди. Мен ўтирган кўрпачага янаям бақамтироқ келдида: — Менга қаранг, айланай, бир куни чўлоқ раисимиз сира испарпкамни бермайди. Ҳар куни қатнайман. Кейин эшитсам, менга хуштор бўлиб, оғиз солмоқчи экан. Бир куни эрталаб қарасам, от миниб, боғни оралаб келаётган экан, бир қўлим билан отнинг жиловидан тутдим-да, иккинчи қўлим билан мана шундай қилиб ёқасидан олдим! (Момо қовжираб кетган қўллари билан ёқаларимни чангалларкан, юз-кўзларидаги мислсиз нафратни кўриб, беихтиёр кулиб юбордим). Йўқ, товба қилди. Иккинчи марта бундай номақбул гапларни айтмасликка қасам ичди. Кейин ҳам шундай бир-икки "оғзибепаравоз"ларни эл-халқ олдида мулзам қилдим. Сизлар кўрмагансизлар-да, билмайсизлар, раҳматли чолим, ким билади, ҳали кўзи тирикдир, сор бургутдек навқирон, тусдор эди. Қолаверса, мен ҳалиям у кишининг никоҳидаман. Шундай одамнинг юзига оёқ қўйиб, эр қилгунча елкамга чим битсин, дедим.

Фариштадек пок, ҳурдек покиза момога тикилиб туриб, бугунги "тунгги-кунги капалак" дейилаётган баъзи бир аёл зотларга қиёслаб туриб, қароғимга ёшлар қуюлиб кетди: "Вафонинг оқ йўли шунча узунми?" (Ғафур Ғулом)

— Равшан амаким неварангиз бўларкан?..

— Равшанжон тўнғичим Саломатгинамдан ёдгорим. Ўзим этагимга солиб катта қилгандим. Мана, невара келиним Тожибуви. Ўстирган ота-онасига раҳмат, иссиқ- совуғимдан хабардор. Сочларимни ювиб-ўриб қўяди. Йигирма йиллар бўлди, дарвозадан кўчага чиқмаганимга. Невара, чевара, эвараларим доим парвона. Туриб-туриб гурсиллатиб меҳнат қилгим келади, денг, лекин оёқда дармон йўқ-да, деворларга суяниб юраман. Фақат шу тил бутун, айланай.

— Биз эса сизга, сиздайларга суяниб яшаймиз, момо.

— Шукур. Яратганим Ўзингга шукур. Ҳар бандасига тансиҳатлик, хотиржамлик, умриузоқлик берсин. Ҳа, шошмай тур, болам, болаларинг борми, ма шу беҳини олиб кетгин. Илоҳим, доим тинчлик бўлсин!

Кафтимда олтиранг беҳи билан момонинг ҳовлисидан чиққанимда кеч куз осмони бениҳоя тиниқ эди, бирор бурчида булут — ғубор кўринмасди. Кўнглим, хаёлларим-да шу осмондай покиза бўлди:

Дуоларда яшагин, юртим,
Дуоларда яшанг, одамлар!

Саъдина БОБОМУРОДОВА,
Жиззах вилоят маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси

***P.S.** Момо билан суҳбатдан сўнг орадан бирмунча вақт ўтди. Яқинда момони зиёрат қилмоқчи бўлиб борсам, момо дунёдан ўтганини айтишди. Илоҳим, охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин.*

Савол

Шаҳар аҳолиси 050 хизмати, яъни фавқулодда ёрдам кўрсатиш бўлими ҳақида тўлиқ маълумотга эга. Бўлим ходимлари кўп қаватли бино лифтида бирор кишининг қолиб кетиши, хонадонларга ёш болаларнинг қамалиб қолиши ва бошқа фавқулодда вазиятларда инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга масъулдирлар. Очиғи, кўп-да ишим тушмагани боис 050 хизмати ҳақида яхши билмас эканман. Яқинда кутилмаган бир ҳодиса сабаб бўлиб, фавқулодда вазиятларда энг аввал ёрдам қўлини чўзиши зарур бўлган хизмат тўғрисида кўп нарса билиб олдим...

ДОИМИЙ РЎЙХАТДАМИСИЗ?

фавқулодда вазиятда ёрдамга чақирилган 050 хизмати нега келмади?

Талаба бўлсам-да, қулай бўлгани учун ижарада яшайман. Уйдагиларим тез-тез келиб туришади. Охирги марта келишганида ёш жиянимни ҳам ташлаб кетишди. Ўқишим тугаган. Амалиёт ўтаяпман. Ҳар доимгидек, эрталаб уйдан чиқиб кетдим. Берилган топшириқларни бажариб кунни кеч қилдим. Уйга келиб эшик қўнғироғини босаман-у, қани энди жияним очса. Калитни тиқиб кўрсам, ичкаридан қулфланган. Шу пайтда хаёлимдан нималар ўтмади, дейсиз. Газ плитасини трубадан ўчирмаса бўлмаслигини огоҳлантириш ёдимдан кўтарилибди. Ухлаб қолгандир дея яна ўзимга ўзим далда бераман. Аммо ҳар қандай уйқуси қаттиқ одам бу бақир-чақирларимдан, темир эшикнинг зарбидан тинимсиз жиринглаётган эшик қўнғироғидан уйғонган бўларди. Темир эшик зарбидан юғуриб чиққан қўшниларим вазиятни билгач, 050 га қўнғироқ қилишимни маслаҳат беришди. 050 бўлими ходимлари тезда етиб келиб ёрдам беришга ваъда беришди. Икки соат мобайнида қўшнилару мен "барака топишсин" деб дуо қилиш билан машғул бўлдик. Келаверишмагач, қайта қўнғироқ қилдим. Гўшакни кўтарган ходим 050 хизматидан фойдаланиш учун доимий рўйхатда бўлишим ва уй ўзимнинг номимда бўлиши кераклигини уқтирди. Ичкарида газ ёқиғлиқ қолгани ва ёш бола борлигини яна бир бор тушунтирдим. Шунга қарамай, 050 хизмати ходими узр сўраб гўшакни қўйиб қўйди.

Фараз қилинг, бемор жон талвасасида ётса-ю, шифокор доимий рўйхатдан ўтган бўлса, укол қиламан деб турса. Уй ёниб тамом бўлиш арафасида, ичидаги оила оташ азобида қолса-ю, ўт ўчирувчи эса уй эгалари доимий рўйхатдан ўтган бўлса, оловни ўчирамиз деса. Бирор хонадонда қотиллик юз берса-ю, милиция ходимлари жабрланувчидан доимий рўйхатдан ўтганлигини сўраса. Бу мантиққа ҳам, Асосий қонунимизга ҳам тўғри келмайди. Конституциямизнинг бирор жойида инсон ҳаётини сақлаб қолишда унинг миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва доимий рўйхатда турганлиги эътиборга олинсин, деган модда учрамайди. Билмадим, балки Чилонзор туман 050 хизмати бошқа бир низом асосида фаолият юритар...

Жиянимни қутқариш учун узун нарвон ясаб, учинчи қаватга чиқдим. Ҳақиқатан ҳам, газ чиқиб турганлиги учун қаттиқ ухлаб қолган экан...

Сарвар ХУРРАМОВ

Аҳвол

ҲАМЁН КИМНИКИ?

Қўзбўямачиликни ҳам "кўҳна" касблар қаторига қўшса бўлади. Негаки, ишлашни, ҳалол меҳнат қилиб нон топишни хоҳламаган бўйни йўғон кимсалар бунинг "маза"сини яхши билишади. Кейинги пайтларда Гулистон шаҳрининг одам гавжум жойларида сохта покер, қўлбола лотерея, ангишвана, маккажўхори доналари билан соддадил одамларга фириб берадиган мантиқсиз ўйин турлари кўпайиб қолди. Ҳозир уларнинг орқасида ким турибди, ким ҳимоясига олади ёки назорат қилиши керак бу ҳақда фикр юритмоқчи эмасмиз. Балки куппа-кундузи уларнинг домига тушиб, алданиб қолаётган соддадил фуқаролар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз, холос.

Жиззах вилоятининг Янгиобод туманидан Гулистон шаҳрига келган Муҳаммад Иброҳимовнинг ҳикоясини тингланг:

— 2006 йил 25 май куни чўнтагимга 18 000 сўм пул солиб, турмуш ўртоғим билан Гулистонга жўнадик. Сафаримиздан мақсад бир қариндошимизга отаси қазо қилганлиги боис таъзия изҳор қилиш эди. Соат бешларда шаҳарга етиб келдик. Темир йўл устидан ўтувчи катта кўприк олдида бир киши менинг яктагимдан тортди. Ёши йигирмалар чамасидаги бу йигитча:

— Амаки, мана бу билетни очиб беринг, — деб қисталанг қилди. Мен унга вақтим йўқлигини айтиб йўлимда давом этмоқчи бўлдим. Лекин у ва бошқа шериклари тилёғламалик билан бизга ҳурмат кўрсатишиб, дарров ўзларига қаратиб олишди. Нечта билет олмайин ҳаммасига ютуқ чиқаверди. Лотереяда фақат ютуқли билет деган ёзув бор эди. Эгнига чарм камзул кийиб олган сотувчи эса билет номерларини олдида турган ютуқлар журнали билан солиштириб кўрди ва менга юзланиб:

— Манави сизга 250 000 сўмлик телевизор, мана бу номерга 50 000 сўм оласиз. Менинг хизмат ҳақим 1000 сўм, суюнчисига 15 000 сўм берасиз, — деб туриб олди. Бу аврашларга ишониб, ёнимдан 15 000 сўм чиқариб бердим. Сотувчи йигит пулимни олди-да, устига тахминан 40 000 сўм пул қўшиб шу ерда турган бошқа бир одамга берди ва: "Бу одам ҳам ютуғингизга шерик, бориб пулларингизни бўлиб олинглар", — деди у пинагини ҳам бузмай.

Пулни олган одам эса ломоннинг ичига кириб, ғойиб



бўлди. Шу орада сотувчи йигит ҳам кўринмай қолди. Унинг ўрнига бошқа бир қирқ ёшлар чамасидаги, бошқа бири пайдо бўлиб айнан шу ҳунарни давом эттира бошлади. Кейин билсам, бу ерда турган тўрт-беш нафар киши ҳаммаси бир гуруҳ экан. Алданганимни тушуниб пулимни талаб қилдим. Янги сотувчи эса: "Мен сизни танимайман, нега мендан пул талаб қиляпсиз?" — деб кўпол сўзлар билан сўкиб берди. Шу топда бизга "шерик" бўлган бола келиб сотувчига 5000 сўм тутди. Фурсатдан фойдаланиб, унинг қўлидан шартта ушладим. Бола эса мени танимаслигини, ўзи ҳам менга ўхшаган одам эканлигини айтиб, ҳеч нарсани тан олмади. Бу жиноий гуруҳнинг бошқа тўртбеш аъзоси эса мени сўкиб-сўкиб четга суриб чиқаришди.

Сардоба туманидан Гулистон шаҳрига бозор-ўчарга келган Саломат Мирзаеванинг алдангани ҳақидаги мана бу воқеага эътибор беринг. Турмушга узатиладиган қизига сарпо қиламан деб бозорга келган Саломат ая "ангишвана"чиларга дуч келиб қолади. Ангишвана сураётган шаввозлардан бири Саломат аянинг қўлига биринчи ютуқни 9 000 сўм қилиб тутқазади. Шу тобда пулга зориқиб турган содда аёл ўйинга шўнғиб кетади. Ўйинга қўйилган пул ютуғи 10 марта оширилади ва охирроқибат содда аёл 90 000 сўмга ютуқни бой беради. Шу ерда катта жанжал бошланади, йиғи-сиғи бўлади. Лекин вақт ўтган эди. Саломат ая бозорга олиб чиққан ҳамма пулини ютқазиб ноилож уйига қайтади.

Хўш, шундай экан, бунга ким айбдор? Албатта, ўзимиз. Қўзбўямачиларнинг юзи кимлигини шундай айтиб турибди-ку? Уларнинг аксарияти муқаддам судланган, балодан ҳам қайтмайдиган, бировнинг ҳақини туя қилишга ўрганган кимсалар. Милиция ходимлари ҳар бир фуқаронинг кетидан эргашиб уни кўриқлаб юра олмайди-ку? Наҳот ўз сармоямизни икки қўллаб уларга бериб қўйганимизни ўзимиз билмай қолсак?., Ахир ҳамён ўзимизники-ку?

Турсун Бек ТЎРАЗОДА

Бахромжон КАЛОНОВ чизган сурат

Кузатув

ЖУРНАЛИСТЛИК ФАҚАТ АХБОРОТ ТАРҚАТИШ ЭМАС

Бир нуфузли йиғинда раҳбарлардан бири газетада чоп этилган мақоланинг характерли ўринларини ўқиб берар, залдагилар уни итоаткорлик билан эшитишарди. Тўғри, раҳбарнинг ҳам, йиғилганларнинг ҳам эътибор назарида мақолада акс этган ютуқлар, ибратли ишлар турар, шу аснода фикру мулоҳаза юритишарди. Бироқ ногаҳонда бизнинг шуурримизда мақола тили ва услубида акс этган қусурлар "жаранглай бошлади", аниқроғи, ҳар галгидай, ҳар қайси оммавий ахборот воситасида тиқилиб ётган бир камчиликни бу мақолада ҳам такрор-такрор "кузатаётгандик". Масалан, "... 140 нафар болалар" ёки "... 130 нафардан ортиқ ўғил-қизлар" кабилар шулар жумласидандир. Ваҳоланки, ўзбек тилининг ўз тил-услуб қоидалари мавжудки, шулардан бирида юқоридаги ҳолатнинг хатолигини исботловчи шундай жумла мавжуд: "Предметнинг кўплиги махсус миқдор билдирадиган сўзлар, сонлар билан ифодаланиб, от (сўз туркуми) олдига келтириш усули қўлланса, от бирликда бўлади". Яъни "5 нафар бола", "43 та дафтар" каби. Лекин юқоридаги мисолимизда "140 нафар болалар", "130 нафардан ортиқ ўғил-қизлар", дея болалар сони ҳам саноқ сон билан кўрсатиляпти, ҳам "бола" ва "ўғил-қиз" (от) сўзлари кўплик қўшимчаси -лар ни мажбурлаб ўзларига олаётир.

Бироқ фақат шуларнинг ўзи бўлганда, ҳар галгидай, "Майли-да энди", дея ўтказиб юборармидик. Лекин мақола давомида шундай бир жумлага дуч келдикки, энди бу борада нимадир сўз айтмаслик мумкин эмаслигини ҳис қилдик.

Пойтахтдан чиқадиган газеталарнинг биридаги "Эртанги кун акси", деб номланган мақоланинг охирроғида боғча мудирасининг сўзидан олинган кўчирма гаплар орасида шундай жумлалар мавжуд эди: "Болани бола демаслигимиз керак. Унинг назари ҳам катталарникидан каммас. Ўғил-қизлар билан фақат дилгир бўлиб ишлаш лозим". Умумий фикр яхши. Бироқ айтиладиган сўзлар-чи? Биргина дилгир сўзини олайлик. Ахир, унинг "нохуш, хафа, ғамгин", деган луғавий маъноси борку!

Агар болакайлар билан ана шундай кайфиятда ишланса, юқоридаги боғча ютуқларининг ярим-ёртисигаям эришиб бўлмас. Балки мақола терилаётганда хатога йўл қўйилгандир. Асл матнда дилгир эмас, дилдордир, дилшоддир?..

Бироқ бу ўринсиз сўз қўлланиши камчилиги ҳам соҳамизда янгилик эмас. "7х7" газетасининг бир сони қўлимизга тушиб қолди. "Жонли товар"лар ҳикоясига кўз югуртиришга чоғландик. Шармсиз, пул учун ҳаёю ибосини сотиб юрган икки жувон ёнларига келиб ўтиргач, бошланган машмаша гаплардан кейин эркаклардан бирининг ҳолати шундай таърифланган: "Абдураҳмоннинг қизариб кетган юзларига боқди. Гўё у бутун оламни унутгандай индамай овқат ер, ҳатто сўзлашишга ҳам нажот йўқдай эди".

Ажаб, бу стол атрофидаги машмашаларга чин ориятли-ғурурли эркак бир лаҳзадаёқ, туриб кетиб, чек қўйиши мумкин. Аслида, воқелик давомида вазият шундай ҳал этиладиям. Лекин маъно юки "халос бўлиш", "қутулиш" ҳисобланган нажот сўзининг бу ўринда қўлланилишига не ҳожат?

Шу газетанинг яна бир сонида "Ер ости мўъжизалари" номли қизиқарли мақола чоп этилган. Маза қилиб ўқиётган ўқувчи Қўнғир муз ғори ҳақида маълумотларга эга бўлавераді. Бироқ ногаҳонда "Қўнғур бир неча "ғорлар"дан иборат. Улар орасида энг музи Қутбий ғоридир", деган жумлага дуч келади-ю ўйлаб қолади. "Энг музи" дегани нима дегани? Балки энг музлисидир, балки энг музи қалинидир, балки муз билан тўлиқ қопланганидир?! (Аслида, шундай дейиш тўғрироқ бўлар эди.) Дарҳақиқат, ўқиш жараёнида унинг 120 йиллаб эримай келаётган муз устунлари бўлган ғорлари маълум қилинади.

Яна шу газетадаги "Келиндан қочган куёв" номли воқеий ҳикояда "Чолнинг уйланиши ўғиллари олдида (айниқса, келинлари) эриш туюлди", номли гапга дуч келганимизда бу ғализ жумла "тишга яхшигина тегиши"ни ҳис қилдик. Аслида, "Чолнинг уйланиши ўғилларига (айниқса, келинлари олдида) эриш туюлди", дейиш бу жумла ғализлигини ҳарқалай, ростлаш учун хизмат қилар эди.

Шундай бир қайнови ичида бўлган "Сўнг ўрнидан туриб Камолиддиннинг устига бўйланди", "Чайлага туташган теракзорлар ҳам соя, ҳам салқин ҳаво пуркаб турибди", каби гапларни ҳам олиб кўрайлик. Ўринсиз сўз қўллашнинг характерли бир кўриниши бўлган бу мисоллардаги "бўйланди" сўзининг маъноси "ҳидланди" бўлгани каби, пуркаш ҳам сув ёки бошқа бирор суюқликни куч билан заррачаларга айлантириб, сочмоқ маъносини билдиради. Ана шу маъноларни ҳис қилган ҳолда энди гапларни ўқиб кўринг-чи!

Ваҳоланки, ана шу каби гапларни ҳам газеталардан олганимиз рост. Умуман олганда эса, газеталаримизда тез-тез учраб қолаётган бу каби қусурлар айрим радиоканаллар эшиттиришлари ҳамда телекўрсатувларда кетаётган бир қайнови ичида бўлган жумлалар олдида ҳолва.

Тошкент телеканаллари кўрсатувларида кўп ҳолларда ибратли ишлар таҳрирли тўкис гапларда баён этилади. Бироқ анча пайтлар бир рекламада "Эссел форте — гипатит, цирроз ва бошқа жигар хасталикларидан самарали восита" деган жумлага такрор-такрор дуч келдик. Беихтиёр, бу юқоридаги хасталикларни даволашда самарали восита, деганимикан, кишини ўша хасталиклардан ҳимоялашда самарали восита, деганимикан, деб ўйлай бошлаймиз.

Аммо она тилимизнинг, тил-услуб қоидаларини ҳоҳлаганча бузиб, миллий журналистикамизнинг қўштирноқ ичидаги тараққиётини таъминлаётган нодавлат радиоканаллар эшиттиришларини олиб борувчи ҳурматли ҳамкасбларимизнинг фаолиятлари устида алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз.

Очиғи, ҳамиша ҳам биз уларга мухлислик қилавермаймиз. Ора-сирада эшитиб қолсак ҳам бирор бир фойдали нарса топма олмаганимиз бор гап, устига устак дилоғриқ бўлганимиз қолади.

(Давоми 2-бетда).

www.hurriyat.uz

«Hurriyat»ни Интернетда ҳам ўқиш мумкин

Энди газетада эълон қилинган энг сара танқидий-таҳлилий мақолалар, журналист текширувлари, бу ёруғ оламнинг турфа сир-синоатларига бағишланган қизиқарли маълумотлар, халқаро шарҳлар, машҳурлар билан суҳбатлар, қисқаси, Сизга маъқул ва манзур бўладиган материалларни газетамизнинг халқаро компьютер тармоғидаги **www.hurriyat.uz** сайтида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонлар учун ўз реклама ва эълонларини **«Hurriyat»** веб-саҳифасига жойлаш имкони мавжуд.

Газета

«ҲАЁТ» ҲАЁТГА ЯҚИНЛАШЯПТИ

у «сариқ матбуот» йўлидан бормоқчи эмас

Ахборот ва телекоммуникациялар юксак даражада ривожланган ҳозирги замонда ҳар қандай оҳори тўкилмагандай туюлган фикр тез ўтмай эскириши, бугунги шов-шувли янгиликлар эртага ҳеч кимни қизиқтирмай қўйиши мумкин. Сон-саноқсиз телеканаллар, радиотўлқинлар, интернет тизими ростёлғон хабарларни, керакли-кераксиз материалларни шунақаям қалаштириб ташладики, оқибатда инсон улардан қай бирига ишонишини билмай боши қотади. Тадқиқотчилар ва синчи социологлар бундай талотўп даврда бадиий адабиётнинг таназзулга юз тутаётгани, газета ва газетачиликнинг замондан орқада қолиб кетаётгани ҳақида бонг ураётир.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, юқоридаги фикрлар қай даражада ҳаёт ҳақиқатига мос келади? Билдирилган мулоҳазалар мантиқан тўғрими?! Дўппини бир четга қўйиб, мушоҳада юритсак, айтилган гапларда жон бордек туюлади. Масалан, биргина мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўнлаб, юзлаб газеталар пайдо бўлиб, яна қанчаси йўқолиб кетди. Борларининг ҳам барчасини савияси бир хил даражада деб бўлмайди.

Сабаблар, баҳона-ю важ-карсонлар эса талайгина: баъзилари иқтисодий ночорликдан нолишса, бошқалар истеъдодли қаламкашларимиз ўз ўрнини тополмаётганини бунга асосий сабаб қилиб кўрсатишади. Газеталардан айримлари ўта замонавийлиги билан муштарий эътиборини қозонмоқчи бўлса, бошқалари бадиий савиянинг юксаклигини деш қилишади ёхуд долзарблиги билан ажралиб туришга интилишади.

Нимаики бўлмасин, бизда ўзига хос газеталар олами пайдо бўлди. Бозор иқтисоди шарт-шароитлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда газеталар бозори ҳам юзага келди. Яшаб қолишга нолойиқ ҳодисани ҳаётнинг ўзи инкор этгани каби, газеталар бозори ҳам анча-мунча сиртдан чиройли, лекин мазмуни саёз, нашрларнинг эртаси йўқлигини кўрсатиб беради.

Бу гапларни айтишдан мақсад нима эдида? Очиғи, юқоридаги талабларга мос ўлароқ, бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида чоп этиб келинаётган "Қишлоқ ҳаёти"га илова тарзида ҳафтада бир маротаба муштарийлар қўлига тегадиган "Ҳаёт" газетаси ҳақида фикр юритишдир.

"Ҳаёт" қисқа фурсат ичида ўз ўқувчиларини топганлиги рост. Улар газетанинг ҳар битта сонини интиқлик билан кутиши ҳам айни ҳақиқат. Ранг-баранг саҳифалар, теледастурлар, қизиқарли воқеа-ҳодисалар акс этган устунлар... Бир қарашда, бу "Ҳаёт"ни салкам "сариқ матбуот" рўйхатидаги газеталар сирасига киритиб қўяди. Тўғри, республикамизда бундай газеталарнинг оммавийлиги кун сайин ошиб бормоқда, уларнинг ихлосмандлари, мухлислари ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади. Аммо "Ҳаёт" газетаси улардан бир жиҳатига кўра фарқ қилади. Бу унинг жиддийлиги ва ростгўйлигидир. Бугунгидек "информацион уруш"лар авж олган замонда мазкур хусусият жуда муҳим саналади.

"Ҳаёт"нинг ўтган йилги сонларидан бирида Момо Терезанинг шундай сўзлари берилган: "Ҳаёт — имконият, уни бой берма, унга ҳайратланиб боқ! Ҳаёт орзудир, уни рўёбга чиқар. Ҳаёт бурчдир, уни виждонан адо эт! Ҳаёт муҳаббатдир, севиб яшагин. Ҳаёт сир-синоатларга тўла, уни ошкор эт! Ҳаёт фожиадир, уни қутқарувчи бўл! Ҳаёт бахтдир, уни ўзинг ярат! Ҳаёт буюк неъмат, ўз ҳаётингга зомин бўлма!"

Бу сўзларни Ер юзидаги жамики инсон зоти ҳаёт тамойилига айлантириши мумкин. Худди шундай сўзларни буюк француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг "Ҳаёт" деб аталган романида ўқиш мумкин. Шундай сўзларни ўзбек ёзувчиси Шойим Бўтаевнинг "Ҳаёт" деб номланган китобидаги қиссалар замиридан илғаш мумкин. Демак, газета номланишининг ўзиёқ ўқувчини жиддий тортишга, ўйлатишга мажбур қиладики, шунинг баробарида, газетани тайёрлайдиган журналистлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Ва "Ҳаёт"чилар ҳам бу масъулиятни теран англаб етган кўринишади.

"Ҳаёт"нинг 2005 йил 4 август сонида чоп этилган телевидениедаги бачкана реклималар ҳақидаги "Бу ўшами?" номли, 28 июль сонида тутуруқсиз қўшиқлар тўғрисида "Ўйлан, севги, кейин ўйга толасан" номли мақолалар фикримизга исбот бўла олади. Уларни ўқиганидан сўнг муштарий ғоявий фожианинг илдизлари аслида қаерда эканлигини яққол илғайди.

Қандайдир маҳсулотни реклама қилиш учун Абдулла Қодирийнинг машҳур "Ўтган кунлар" романидаги Қумуш билан Отабек ўртасидаги соф муҳаббат лавҳаларидан дидсизларча фойдаланиш, чой қутиси ёки ўсимлик ёғини кўрсатиб, "Бу ўшами?" дейиш буюк адибимиз хотирасига ҳақорат эканлиги "Бу ўшами?" мақоласида атрофлича таҳлил этиб берилган.

Газета саҳифаларида О. Генрининг "Афсунгарлар туҳфаси", Ги де Мопассаннинг "Дўндиқ" ҳикоялари берилгани китобхонларни соғиниб қолган ўлкаларига қайта саёҳат қилишларига имкон яратади, десак янглишмаймиз. Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидан парчалар, Абдулла Қаҳҳорнинг "Бошсиз одам" ҳикояси, шунингдек, ҳозирги замон ўзбек прозаси ва поэзиясидан намуналар бериб борилиши ижобий ҳолдир.

Михаил Шолохов ва Сергей Есенин ҳаётининг энг таҳликали дамлари ҳақида ёзилган мақолаларнинг газета саҳифаларидан ўрин олиши, бир томондан, бу улуғ ижодкорлар ижоди ва фаолиятининг қоронғи жиҳатларини кўрсатиб берса, иккинчи томондан, ўша давр мудҳишликларини англаб олиш учун аниқ факт сифатида хизмат қилади.

Жамият бозор иқтисодиёти шароитига кирди. Энди у ўзини шунга мослаб, тайёрлаб бориши керак. Жамият ҳаётида эса бойларнинг муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир. Шундайлардан бири дунёга машҳур ишбилармонлар сулоласи — Рокфеллердир. Бу авлод ҳақида эшитмаган одамнинг ўзи йўқ. "Ҳаёт" саҳифасида чоп этилган "Рокфеллернинг бош қоидаси" мақоласида ишбилармонлик, тадбиркорлик, бойлик орттириш йўллари бўлгани каби, бунда қатъийлик ва шижоат ҳам катта ўрин тутиши қайд этилган.

Шарқ табобатининг ҳозирги замон медицинаси янгиликлари билан мутаносиб равишда бериб борилиши ҳам ўқувчи учун жуда фойдалидир.

"Истиқлол фарзандлари", шунингдек, спорт ва жаҳон янгиликларини акс эттирувчи рукнлар, "Биласизми?" туркуми газетхонларда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Тўра Сулаймоннинг "Ерга яқин одамлар" номли мақоласи кейинги йилларда яратилган энг жиддий ва салмоқли публицистик асарлардандир.

Бизнингча, келгусида "Ҳаёт" саҳифаларини янада кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Яна бир истагимиз, газета ҳаётнинг ичига янаям чуқурроқ кириб бориб, бугунги кунни тўлақонли кўрсата олса, унга жасорат ила кўзгу тута билсагина, "Ҳаёт" ўз мақсадига етади, деб ўйлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек матбуотида мана шундай мазмундор, ўқишли газеталар пайдо бўлаётганлиги қувонарли ҳол. Бошидаёқ фаолият йўналишини тўғри белгилаб олган, ўзига хос нуқтаи назарга эга бўлган матбуот нашрлари ҳеч қандай рақобатдан чўчимаслиги аён.

Алибой ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари номзоди

Кўнгил

БАХТ ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАШДА

Эҳтимол, ҳаёт ўта мураккаб бўлгани учун ҳам яхшилик ва ёмонлик, хурсандчилик ва хафачилик, бахт ва бахтсизлик, омад ва омадсизлик инсон ҳаётида доимо ёнма-ён юрса ажаб эмас.

Ўз ҳаётларида ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғудир ибораси мазмунини теран англаган кишиларгина доимо бахтсизлик кетидан бахт, омадсизлик кетидан омад, қийинчиликлар кетидан эса яхши кунлар келишига ишониб яшайдилар.

Бундай кишилар ўз ҳаётларида яхши кунларни сабр-тоқат билан кутадилар. Ҳаётда имон-эътиқод, диёнат, ишонч билан, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилиб яшаган инсонларгина ўз ҳаётларида нохуш ҳолатлардан фориғ бўлиб қувончли кунларга етиб келиши тайин. Инсон ҳаётда кўпгина қийинчиликларга дуч келиб, мураккаб ҳаёт тарзини бошидан кечириши жуда оғир вазиятларга тушиши, ҳаётда бойлигидан, болачақадан, ота-онасидан, яқинларидан ажраб қолиши мумкин.

Лекин бундай ҳолатларда унда ирода, сабр, матонат бўлса яшашда давом этаверади. Аммо у ўзининг энг бебаҳо бойлиги виждонидан, мусаффо қалбидан, имону эътиқодидан ва ҳаётга бўлган интилиш, қизиқишидан маънан айрилса, тирик мурдага айланиши табиий.

Яқинда имон-эътиқодли, диёнатли, ҳаётни севиб яшаётган, ажойиб инсон Султонмаҳмуд ака Юсупхонов билан суҳбат қурар эканман, қалбимда негадир юқоридаги тахлит фикрлар чарх ураверди.

Султонмаҳмуд аканинг босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли ҳақида ўзидан эшитар эканман, унинг ҳаётидаги қувонч, бахт, хурсандчилик ва омадларга тўла лаҳзаларини худди ўзи ҳикоя қилгандай тасаввур этиш билан бирга, қийинчилик ва қарама-қаршиликларга тўла онлари мазмунини ҳам англагандай бўламан.

Султонмаҳмуд Юсупхонов прокуратура идораларида узоқ йиллар хизмат қилди. У 30 йилга яқин хизмат даврининг кўп қисмини республика прокуратурасида қонунларни мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими прокурори лавозимида хизматда ўтказди.

Албатта, бу лавозимда унга билимга чанқоқлиги, интилиши, қуйи прокуратура идораларида олган тажрибалари анча қўл келди.

Бу йиллар ичида Султонмаҳмуд ака яхши инсонлар билан ёнма-ён хизмат қилиб улардан кўп нарсани ўрганди, ҳам ўргатди, қўлидан келганча инсонларнинг юмушини осон қилишга, ҳар қандай масалада ёрдам беришга ҳаракат қилди.

Ҳаёт мураккаб шу билан бирга тасодифларга тўла бўлгани, қолаверса, бахт ва бахтсизлик доимо ёнма-ён юриши боис 2003 йилда Султонмаҳмуд ака ҳаётида бахтсизлик содир бўлди. У йиқилиб оёғини синдириб олди ва иккинчи гуруҳ ногиронига айланди, прокуратура идораларидан вақтинчалик хизматдан кетди.

Бугун Султонмаҳмуд аканинг ораста, шинамгина хонасида суҳбатимиз давом этар экан, бу инсон тақдирига қараб ҳаёт ўта мураккаб эканлигини яна бир бор ҳис этаман.

Султонмаҳмуд аканинг бугунги аҳволи қанчалик оғир бўлмасин, ҳали ҳам унинг ҳаётга, яшашга қизиқиши сўнмаганлигини сўзларидан, фикрларидан англайман. Хаёлимга келган бу англашни Султонмаҳмуд ака сезгандай гап бошлайди.

— Менинг назаримда, инсон то сўнгги нафасигача ҳаётда бир илинж, ишонч билан яшаса керак. Бемор бўлган кишининг ҳаётга қизиқиши сўниши эмас, балки ҳаётга ишонч билан, қизиқиб, севиб яшаса, беморлиги ҳам албатта унут бўлади.Аҳволимни кўриб турибсиз, оёғимнинг бўғинлари панд бермоқда. Лекин негадир тузалиб кетишимга жуда-жуда ишонаман. Менга бу борада энг кучли дармон дори бу оилам, фарзандларим, невараларим, уларнинг менга бўлган муҳаббати. Шуларни ўйласам, гоҳида беморлигим ҳам унут бўлади.

— Дўстларингиз сиздан хабар олиб туришса керак?

— Ҳақиқатни айтишим керак. Аслида, ҳар бир инсонда дўст бармоқ билан санарли бўлади. Мана шундай дўстларим вақтлари бўлган пайтда ҳолимдан хабар олиб турибди. Албатта, тушунаман, ҳар кимнинг ўзига яраша ташвишлари, юмушлари бор. Лекин мен ногиронлик давримда бир нарсага амин бўлдимки, инсон ҳаётда ҳамма нарсасини йўқотса ҳам, соғлиғини йўқотмасин экан.

Ҳаётда соғлиқдан ҳам бебаҳо бойлик йўқ эканлигини фақат беморларгина тушунса керак, деб ўйлайман. Ҳеч ким бемор бўлмасин, лекин ҳар бир инсон соғлиқнинг қадрини соғ пайтида тушунса яхши бўларкан.

Шунинг учун ҳам мен ҳолимдан хабар олиб турган дўстларимга доимо энг катта бойлик — соғлиқ тилайман, улар омон бўлишсин.

— Бу йил "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили деб эълон қилинди. Сизга ногирон, бемор сифатида бу нимани англатади?

— Бу мен каби ногиронлар қалбига катта далда бўлди, деб ўйлайман. Шайхонтоҳур туманидаги 39-оилавий поликлиника ходимлари доимо менинг соғлиғимдан хабар олиб турибди. Улар хизмат қилаётган тиббий муассаса эса менга ҳомий. Мен каби беморларга бундан ортиқ нима керак. Ишқилиб, шу шифокорлар омон бўлсин, ҳомийларга омад тилайман.

— Ҳаётда инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуси бу инсонларнинг, айниқса, ногиронларнинг энг яқин йўлдоши бўлса керак.

— Тўғри айтдингиз. Меҳр-оқибатли бўлиш бемор одамни соғайтирса, бундан маҳрум бўлиш эса соғ одамни беморга айлантириши ҳеч гап эмас. Инсонга нафақат маълум лавозимда юрган, соғлом пайтида унга меҳр-оқибат кўрсатиш, балки ногирон, бемор бўлиб қолганда ҳам аҳволидан хабар олиб туриш, менимча, жуда катта одамийлик, савоб иш бўлса керак.

Кўп йиллар Республика прокурори ўринбосари бўлиб ишлаган, ҳозирда юристлар малака ошириш курси ўқитувчиси, профессор, учинчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Пўлатов деган дўстим бор. Деярли ҳар куни телефон қилиб, кўнглимни кўтариб туради. Дўстимнинг бундай меҳр-оқибатидан кейин мен ўзимни жуда енгил ҳис этаман, ҳатто маълум муддат беморлигимни ҳам унутаман. Бундай дўстона муносабатлардан кейин ўзимнинг ёлғиз эмаслигимни яна бир бор ҳис этаман.

— Ёшларга қандай ниятларингиз бор?

— Мен ҳар доим фарзандларимга йигит кишининг сўзи олмосдан ҳам ўткир бўлиши кераклигини кўп уқтирганман. Йигитнинг сўзи ўлгунча, ўзи ўлгани маъқул деган мақолни улар қалбига доимо сингдириб келганман. Бу фикримни давримиз ёшларининг барчасига тилаган бўлардим.

Умуман, ҳар бир инсон халқнинг назаридан қолмаслиги керак.

Бунинг учун эса унинг олмос сўзли бўлиши ва тўғри сўзлай олишининг аҳамияти катта. Лаганбардор, ҳар кимга ҳар хил гапирадиган инсоннинг ҳеч қачон обрўси бўлмайди.

— Сиз ҳаётда нималарга кўпроқ ишонасиз?

— Мен ҳаётда инсонларнинг барчаси тўғри сўз бўлса, бир-бирларига қилган муомаласида сохталик бўлмаса, ҳаётимиз янада гўзал, мазмунли бўлишига ишонаман. Инсон ҳаётидаги барча бахтсизлик, ёмонлик, сохтакорлик, омадсизлик эҳтимол мана шу ёлғон сўзлар оқибати бўлса керак.

Ундан ташқари, меҳр-оқибатда, имонли, диёнатли бўлишда жуда гап кўп. Биз имонли бўлсак, бир-биримизга оқибатли бўлсак, бировлар дардини ўз дардимиз деб тушунсак, энг муҳими ҳаётни доимо севиб яшасак, менимча, инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Бахтиёр АЛЛАНАЗАРОВ

Б. КАЛОНОВ чизган

Ҳамкасб

ЭФИРДА – ҚОБИЛБЕК КАРИМБЕКОВ

Мабодо телетомошабинлардан сиёсий ва халқаро масалаларга доир мавзуларда самимий қиёфада жилмайиб сўзловчи журналист ким деб сўралса, уларнинг кўпчилиги Қобилбек Каримбековни кўрсатса ажаб эмас. Чиндан ҳам сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбековнинг имижи шундай.

Устоз салом-аликдан тортиб асосий мавзу баёнигача ўзгача ҳаяжон билан, шошиб сўзлайди. Унинг фаолияти билан айни хусусиятини уйғун ҳолда тасаввур этгандан сўнггина англайсизки, бутун умр суръати бениҳоя ортиб бораётган дунё, тезлиги ундан кам бўлмаган сиёсий жараёнлар тадқиқи, таҳлили билан машғул инсоннинг аъмоли, ҳаракатлари ҳам шунга яраша — тезкор. Демак, Каримбеков дунё билан бақамти, ҳамқадам яшаяпти. Таъбир жоиз бўлса, "сиёсий шарҳловчи" деган нисбага шундай фазилат соҳибигина муносибдир. Дарвоқе, ҳаяжон-чи?! Сиёсий гурунглар билан ҳис-ҳаяжонни бир жойда кўриш таажжублироқ туюляптими? Бу Қобилбек аканинг энг катта ютуғи. Кўп фурсатлар мазкур тушунчалар айри тасаввур этилгани боис бу хил мавзудаги суҳбатлар зерикарли бўларди. Қ. Каримбеков сиёсий мулоқотлардан ана шу қолипни олиб ташлаган серҳаяжон шарҳловчи.

Устоз билан бирга ишлаган одам "справочник"ка заррача эҳтиёж сезмайди. Унга бирор сиёсий воқеанинг қачон, қаерда, қай тарзда рўй бергани-ю, ўшанда қайси сиёсатдон бу масалага қандай муносабат билдиргани карра-каррадек гап. Устознинг хотирасини "гегабайт"лар билан ўлчаб бўлмас-ов! (ҳазил). Аслида, таъкидлаб ўтганимиз каби, бугунги шитобли замонда сиёсий шарҳловчиликнинг биринчи шарти ҳам тезкорлик, ҳозиржавобликдир. Қ. Каримбеков фаолиятига ана шу нуқтаи назардан ёндашсак, у дунёнинг қай бир кунжаги, пучмоғида қандай воқеа-ҳодиса содир бўлгани, воқеалар ривожи қандай тус олаётганини билиб туриши, ҳар дамда энг сўнгги ахборотлар билан қуролланиб юриши билан ҳайратлантиради. "Сиёсий шарҳловчининг вазифаси шунда", деб кўя қолишингиз мумкин. Аммо дунё кенг, олам бепоён, унда сонияда содир бўлаётган ҳодисот беҳисоб. Шу воқеани яна ўн йиллар ўтгандан сўнг ҳам кечагидек хотирлаш, маълумотларни бехато айтиб бериш ҳайратга лойиқ эмасми?

Қобилбек Каримбеков ижодий фаолиятининг бошланиши мамлакатимизда, умуман, дунёда туб ўзгаришлар, тарихий воқеалар, бошқача қилиб айтганда, ҳамма сиёсий мавзуда қалам тебратиш, шарҳ беришни касб қилган кишиларнинг оғзига кўз тиккан даврга тўғри келди. Устоз: "Ижод йўлим ана шундай алғов-далғовли, айни пайтда шонли бир паллага тўғри келганидан чексиз мамнуният ҳис этаман", дейди.

Қ. Каримбеков атрофидаги ёшларнинг ғамхўри, яқин маслаҳатгўйи. Ўзи айтмоқчи, ҳаётда ўз ўрнингни топишда кўмакчинг, йўриқчинг бўлганига нима етсин. Шундан бўлса керак, бугунги кунда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида сиёсий мавзуда қалам тебратаётган журналистларнинг аксарияти Қ. Каримбековни ўзларининг устози деб билади. Шу маънода, у Ўзбекистон телевидениесида сиёсий шарҳловчилар мактабини яратган ижодкорлардан биридир. Қолаверса, у ЎзМУ журналистика факультетида бўлажак журналистларга касб сир-асрорларидан таълим бериб, мамлакатимизда малакали журналист кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

"Журналист аввало, чуқур билим, кенг дунёқараш соҳиби, теран таҳлил эта олиш қобилиятига эга бўлиши керак, энг муҳими, ўқишдан, изланишдан бир зум ҳам тўхтамаслиги шарт", дейди у. Шундан бўлса керак, Қ. Каримбеков ўз соҳасининг ҳам (ўқитувчилиги билан) назарий, ҳам (журналистлиги билан) амалий жиҳатини баб-баравар тутгани билан ўрнак бўлишга интилади. Баъзида биз, шогирдлар: "Устоз, ёшларга қўлланма бўлсин учун бирор нима ёзмасангиз бўлмас-ов", деб "қитиқ пати"га тегиб қўямиз. Яқинда яна шу гапни қўзғасак, "Хотиржам бўлингизлар, устозингиз бир ишга қўл уриб қўйган, тайёр бўлса, биринчи бўлиб сизларга кўрсатаман", деб кўп йиллик сирни очди... Модомики, устозимиз ҳамон меҳнат қилаётган, изланаётган экан, бу унинг халқим, милларим олдида ҳали қиладиган ишларим кўп, деб ўйлашидан дарак...

Ғафур ЖАМОЛОВ,
Мадамин САФАРОВ

Нашр

САРАЛАНГАН САТРЛАР

"Ўзбекистон матбуоти" журналининг янги 3-сони босмадан чиқди. Унда эълон қилинган мақолалардан парчаларни ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Энциклопедия саҳифаларида — Матбуот

Муроджон АМИНОВ
ЎзМЭ бош таҳрир ҳайъати аъзоси:

— ЎзМЭ саҳифаларида журналистика соҳасининг фаолиятига доир кўпдан-кўп маълумотларнинг келтириб ўтилиши ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолияти, журналистика назарияси ва жанрларига оид мақолаларни тайёрлаш ва ёзиш ишига таниқли журналистларни, фан мутахассисларини жалб этдик. Фан соҳалари бўйича илмий маслаҳат кенгашлари таркибида журналистика соҳаси вакиллари ҳам фаоллик кўрсатганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Суҳбатдош: Ҳамид СУЛТОНОВ

Бугун "Жаҳон"ни жаҳон танийди

"Жаҳон" АА Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари ҳузурида ўзининг мухбирлик пунктларига эга. Агентлигимиз мухбирлари Буюк Британия, Бельгия, Миср, Ҳиндистон, Исроил, Россия, АҚШ ва бошқа қатор мамлакатларда фаолият кўрсатмоқда.

Агентлик йирик маҳаллий ва халқаро ахборот агентликлари, шунингдек, республикамиздаги етакчи газеталар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Фахриддин ПАРПИЕВ

"Садои Фарғона" садоси

Газетанинг биринчи сонида унинг "Мақсад ва маслак" мақоласи босилди. Муаллиф унда: "ғазитани нашр этишдан мақсадимиз, албатта, тижорат эмас, балки халқимизга қўлимиздан келган қадар хизмат этмакдир", деб таъкидлаган эди. Мақоланинг давомида у миллатдошларига қарата: "Дардимиз бир, касалимиз ҳам бир, даво ва дармонимиз ҳам бирдур. Бас, ондоқ бўлса, эй ҳиммат-ли биродарлар, чиқинглар майдонга, ёзайлук, ўқуйлук! Чунки дардларимизнинг давои шифоси ёлғиз ўқумоқ ва ёзмоқдур", дея хитоб қилади.

Рустамжон ТОЖИБОЕВ

"Ёрни ойнакдин қарангким..."

Қобулқори аскарнинг ўзбекча сўзлашаётганини эшитиб қолиб, ёнига чақиради. "Агар тирик қолиб, Тошкентга борсанг, албатта, Имомжон акани топ, у менинг тутинган падари бузрукворим" дейди. Шундан сўнг ёрдам сўраб, бошини кўтарди. Бор кучи билан ширадор овозда қўшиқни куйлай бошлайди.

Кўпдан қўшиқ нималигини унутиб қўйган турли миллат вакиллари ярадорликка қарамай бутун вужуд билан ҳофизни тингладилар. Ҳоҳ сокин, ҳоҳ жўшқин мавжли қўшиқ инжу мисол атрофга тараларди...

Ж. АБДУЛЛАХОНОВ

Биринчи чемпион

Газетанинг 1925 йил 23 июл сонидан Полвоновнинг "Ўртоқ Хўжаев Германияда" сарлавҳали хабари ўрин олган. Унда ёзилишича, А. Хўжаев Тошкентда Фрейманнинг иштироки билан тузилган шатранж мусобақасида қатнаша бошлаган. Лекин Германиянинг Франкфурт шаҳрига мусобақага бориши муносабати билан у бу мусобақада охиригача иштирок этмаган. А. Хўжаевнинг Ўзбекистон ва Ўрта Осиё шахматчиларидан вакил бўлиб боргани эътиборлидир.

Феруза НУРИТДИНОВА

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

ЖУРНАЛИСТЛИК ФАҚАТ АХБОРОТ ТАРҚАТИШ ЭМАС

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мисол тарзида айтайлик. Баҳор ойларининг бирида кундуз соат 12-14 лар орасида узлуксиз равишда "Водий садоси" радиоканали эшиттиришларини тинглашимизга тўғри келди. (Сафарга кетаётиб, йўлда бўлганимиз сабабли). Аввал бир қўшиқ янгради. Сўзлари тахминан шундай эди:

"Тош юрагингдан жой олгани келдим,
Соғиниб келдим, жон бергани келдим".

Кейин ахборот эшиттириши бошланадиган бўлди. Уни "Хабар ва лавҳалар қисқача" деб эълон қилди диктор.

Пойинтар-сойинтар қўшиқдан безиган кўнгил шундан сўнг ақлга иддао қила бошлади: "Ахир, ўзбек тили катта бир фан. Унда гап ва унинг қурилиши ҳақида алоҳида боб мавжуд. Унга кўра, гапнинг бош бўлаклари эга ва кесим, иккинчи даражали бўлаклари — тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол махсус тартибда ифодаланади. Аниқроғи, гапни эга бошлаб, иккинчи даражали бўлаклар давом эттириб, кесим якунлайди. Бу содда гапга хос хусусият. (Қўшимча гаплар тўғрисида ҳам алоҳида боблар бор). Фақат шеъриятда, бадиий асарлар ёзишда бу тартиб-қоидадан чекиниш мумкин. Демак, оддийгина ахборот етказишда содда гапдаги тартиб-қоидага тўла амал қилиш лозим, яъники, ҳурматли ҳамкасбларимиз "хабар ва лавҳаларнинг қисқача шарҳини баён қиламиз" ёки "... қисқача шарҳини эшиттирамиз", ёки "... қисқача шарҳини эшитасиз", дейишлари мақсадга мувофиқроқ эди.

Афсуски, ана шу тўмтоқ маълумотдан сўнг Фаластин мамлакати раҳбари Маҳмуд Аббос ҳақида, унинг олиб бораётган сиёсати хусусида гапираркан, диктор бот-бот ушбу жумлаларни такрорлар эди: "... деди Аббос", "... қилди Аббос".

Ақли ожизимча, бир мамлакат подшосини бундай атамоқ ўзбек миллати маънавияти ва тарбиясига асло мос келмайдиган ҳолат. Бунинг устига Маҳмудсиз айтиладиган Аббос (ота исми бўла туриб) оддийгина исмга айланиб қолаётир. Бу энди гапнинг маъно юкини ҳам тушириб юбормоқда.

Шу боис бир гал Маҳмуд Аббос деган ҳамкасб, кейинги гал Фаластин раҳбари, мамлакат етакчиси каби шахс номига синоним бўлгувчи атамалар билан айтганида, радиоэшитувчига нафақат янгилик берар, маънавият сабоғи ҳам етказилган бўлур эди.

Хуллас, шу куни бу каби на сўзга, на шахсга ҳурмат топиб бўлмас, она тилимиз тартиб-қоидалари хор этилган эшиттиришлардан безиб, радионинг қулоғини аудиомагнитофон томонга бураб қўя қолдик.

Биз бу қораламани ёзар эканмиз. Кимнингдир камчилигини юзига солиб, қайсидир ҳурматли ҳамкасбимизнинг дилига озор бериш ниятимиз йўқ. Аслида, ана шу андишалар сабабли ҳам бу каби қатор қусурлардан кўпинча кўз юмиб кетамиз. Лекин бугун айни шу масалада ўйлай бошласак, бир нарса руҳ-жонимизга оғриқ бераётир. Келинг, ана шу масалада энди дилимиздагини очиқроқ айтайлик.

Оммавий ахборот воситалари борки, ҳамиша ва ҳар доим жамоатчиликнинг, яъни эл-улуснинг эътибор-назарида бўлади. Нимадир маълумот, янгилик, янги гап олиш мақсадида унга ёндашган киши борки, унинг ютуғи қусурларини ҳам сезиб-сезмай қабул қилаверади. (Китоб ўқимаганлар ҳам кўнгилочар, бозорбоп газеталарни ўқишларини назарда тутсак, бу ҳол яққолроқ кўринади!) Шу боис биз аҳли журналист борки, ҳамиша ва ҳар доим ўз устимизда ишлашимиз лозим. Токи, сўз бойлигию она тилини билишда баркамол, зиёли инсонлар бизнинг ҳаминқадар билимимиз устидан кулмасин. Мактаб партасида она тилини ўрганаётган ўқувчи бизнинг ёзганларимизга қараб, дилида иштибоҳ пайдо бўлмасин. Шу аснода журналист кадрларни тайёрлайдиган таълим муассасалари фаолияти хусусида ҳам икки оғиз сўз айтиш лозим.

Биз ўқиган даврда "Газетанинг тили ва услуби" (худди шундай телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар бўйича ҳам) мавзусида алоҳида маърузалар, амалий ишлар бўларди. Тегишли йўналишларда бутун бошли курс ишию диплом иши ёзганлар бор. Юзлаб бадиий адабиётлар рўйхати берилиб, уларни ўқиганўқимаганимиз суриштириб, баҳолаб бориларди. Она тилининг тил-услуб қоидалари чиройли қилиб, талабчанлик билан ўргатиларди.

Бугун олийгоҳларда шундай талаблар қўйиляптими? Агар шундай қаттиқ талаб билан ўқиш-амалиёт ишлари олиб борилаётган бўлса, нега уларни битириб келаётган ёшларимиз бугун юқоридаги каби қусурларга йўл қўймоқдалар? Сўз бойлигию тил билимлари ҳаминқадар.

Хуллас, бизнинг назаримизда, журналистлик фақат ахборот тарқатиш дегани эмас. Шу баробарида кенг жамоатчиликнинг билим-савияси, маънавият-мафкураси юксалиши учун ҳам хизмат қилиш, деганидир. Демоқчимизки, ҳар биримиз ҳар жиҳатдан ана шу юкдор вазифамизга муносиб бўлмоғимиз керак.

Салима УМАРОВА,
журналист

Тафсилот

Ўтган куни Исроил авиациясининг қақшатқич бомба ёғдириши натижасида Ливан жанубидаги Кана қишлоғи тамомила вайронага айланди. Бу ҳақда Ливан матбуоти ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситалари хабар бермоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, навбатдаги ҳужум натижасида ливанлик тинч аҳолининг 50 ка яқини қурбон бўлган, юзлаб кишилар вайроналар остида қолган.

ЛИВАН: ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТИБ БОРЯПТИ

Исроил армиясининг сараланган "Голани" гуруҳидан ташкил топган ҳарбийлар эрталаб Бинт-Жубайлдан шимоли-шарқда жойлашган Тойибий туманида "Ҳизбуллоҳ" гуруҳи аскарлари билан ҳужумга киришган. Шиддатли тус олган жангда Исроил томонидан 12 танк ва зирҳли машиналарда пиёдалар қисми иштирок этган.

ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, якшанба куни Исроил томони тўплардан Ливан ҳудудини ўққа тутган. Авиация Ал-Хиём шаҳарчасига тинимсиз бомба ёғдирган. "Ҳизбуллоҳ" жангарилари ўз навбатида Исроил аскарлари босиб олган Заур ва Аббосия ҳудудларидаги нуқталарни миномётлардан ўққа тутган. Шунингдек, Исроил шимолий ҳудудларидаги тўрт аҳоли пунктига "Катюша" русумидаги ракеталардан отилган. Эрталаб эса Исроилнинг Ҳайфа шаҳрига бир неча ракета тушган.

Ўтган кун давомида "Ҳизбуллоҳ" Исроилнинг шимолий ҳудудларига 100 дан ошиқ ракета ҳужуми уюштирган. Исроилнинг Нагария, Акко, Сафед (Цфет) ва Карят-Шмона шаҳарлари ракета ҳужумига тутилган. Исроил ОАВнинг хабар беришига қараганда, 20 дан ошиқ киши жароҳат олган.

Ўтган ҳафтанинг шанба куни эса Франция БМТ Хавфсизлик Кенгаши эътиборига Ливандаги ҳунрезликни зудлик билан тўхтатиш, мамлакат ҳудудига халқаро тинчликпарвар кучларни жойлаштириш бўйича резолюция лойиҳасини тақдим этди. ИТАР-ТАСС ахборотларида БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Франция лойиҳасини қўллаб-қувватлагани, Исроил томонидан халқаро меъёрлар ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли талабларига қатъий риоя этишни талаб қилгани айтилади.

Душанба куни Бош котиб халқаро тинчликпарвар кучлар таркибига ўз қўшинларини юбориш истагини билдирган давлатлар вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда Евроиттифоққа кирувчи 25 давлат, Туркия ҳамда айни дамда тинчликпарвар қўшинлари Ливанда бўлган давлат вакиллари иштирок этди.

Яқин Шарқда Исроил-Ливан муаммоси бўйича музокаралар олиб бораётган АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс ҳафта давомида бу ерда бўлиши лозим эди. Аммо вазиятнинг назоратдан чиқиб кетгани, уруш ҳаракатларининг тобора шиддатли тус ола бошлагани ҳамда Ливандаги тинч аҳолининг ҳалок бўлаётгани сабабли Райс сафар режасини ўзгартириб, зудлик билан Вашингтонга қайтишга қарор қилди. Бунга қадар у Кофи Аннан билан учрашиб, АҚШ томонининг резолюцияси хусусида Бош котиб билан музокара олиб борган эди.

Бироқ ҳозирда Франция таклиф этган резолюция Хавфсизлик Кенгаши эътиборига тақдим этилиши кутиляпти. Париж таклиф этган лойиҳада томонларни ҳеч қандай шартларсиз уруш ҳаракатини тўхтатиши, "Ҳизбуллоҳ"дан асирга олинган Исроил аскарлари ҳамда Исроил турмаларидаги ливанликларни озод қилиш назарда тутилган.

Асадулла ҲАСАНОВ,
ЎзМУ талабаси

Ибрат

АЙТИШУВДАН БЕЛЛАШУВГА

Ўзбекистон телевидениесининг "Спорт" каналида анчадан буён намойиш этиб келинаётган "Айтишув" кўрсатуви мумтоз куй ва қўшиқлар ижро этувчи ҳофизлар ўртасида ўзига хос беллашувга айланиб, мухлислар эътиборига тушгани рост.

Яқиндан бошлаб эса кўрсатув "Беллашув" номи билан берила бошлаганида зални тўлдириб ўтирган мухлислар қаторида мазкур тадбирда иштирок этиш насиб этди. Таниқли ҳофизлар Бахтиёр Ҳолхўжаев ва Абдурашид Исоқовлар ўртасидаги беллашув аслида рақобат эмас, балки мумтоз қўшиқчилик санъатимизнинг таҳсинга лойиқ тарғиботи бўлди десам, хато бўлмас. Бугун унча-мунча қўшиқчи ҳадеганда фонограммасиз қўшиқ айтмаслиги кўпчиликка аён. Айниқса, кейинги пайтларда ўзбек қўшиқчилик санъатида турли йўналиш ва жанрларнинг пайдо бўлиши, аксар ижрочиларнинг асрий мумтоз меросларимиздан бехабарлиги матбуотда бот-бот танқид қилиниб, аччиқ-чучук гаплар ҳам айтиляпти. Айнан мазкур жараённинг ўткинчи ва вақтинча эканига исбот сифатида ташкил этилган мазкур беллашувдан томошабин асл қўшиқчилик, жонли ижро ва куйлардан бетакрор лаззат олди дейиш мумкин. Лутфий, Жомий, Навоий, Бобур, Машраб каби ўнлаб аллома шоирларнинг пурмаъно ғазалларига басталанган ҳақиқий қўшиқларни соғинган ҳофизлар ижросида тинглаган мухлислар санъаткорларни гулу алқишга кўмиб юборди.

Залдан чиқаётиб икки аёлнинг суҳбати қулоғимга чалиниб қолди. "Фонограммасиз ҳам айтса бўлар экан-у, охирги ойларда тушган концертларимнинг бирортасида жонли ижро эшитмагандим. Сўрасам, мусиқа билан овозда фарқ бўлиб қолади, дейишганди. Тавба, бу концертда эса фарқни сезмадим". Дугонаси ҳозиржавоб аёл экан "Нимасига ҳайрон бўласиз? Ёмон раққоса... баҳона-ку!", деб кулиб қўйди.

Ю. АБДУЛЛАЕВ

Иқтибос

«ҲИДОЯТ» ҲАДЯСИ

Қалбларни юмшатувчи севимли журналимиз «Ҳидоят»нинг янги 6-сони муштарийларга тақдим этилди. Қуйида эътиборингизга ушбу журнал саҳифаларида эълон қилинган мақолалардан парчалар ҳавола қилмоқчимиз.

Инсон зийнати

Ҳилм инсонни зийнатлайди ва уни улуғликка етказади. Ибн Уйайна (розийаллоҳу анҳу) айтадилар: "Набий (алайҳиссалом) дуоларидан бири бундай эди: "Аллоҳим, мени илм билан бой қил, ҳилм билан зийнатла, тақво билан мукаррам эт, саломатлик билан гўзал қил" (Ибн Абуддунё).

Аллоҳ таоло қўполлик қилганга ҳилм кўрсатган, зулм қилганни кечирган, бермаганга берган, ажралган билан алоқани тиклаган кишини улуғлайди ва мақомини баланд қилади (Баззор).

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай мархамат қилганлар: "Мулойим кишига дўзах ҳаромдир" (Термизий).

Ал-олим вал-мутааллим

Аллоҳ таоло мўминлар динга иқрор бўлганларидан сўнг уларга фарзларни адо этишини амр этган. Аллоҳ таоло мархамат қилади: "(Эй Муҳаммад,) имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни мукаммал адо этсинлар..." (Иброҳим, 31, мазмуни); "Эй имон келтирганлар! Тақволи бўлишларингиз учун сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди..." (Бақара, 183, мазмуни).

Имоми Аъзам Абу ҲАНИФА

Ахлоқ полицияси тадбирлари

Саудия Арабистони ахлоқ полицияси мамлакатда сехргарлар, экстрасенслар, фолбинлар ва бошқа кўзбўямачиларга қарши курашни кучайтирди.

Яхшиликни тарғиб этиш ва гуноҳ амалларнинг олдини олиш ишлари бўйича маҳкама мамлакатнинг барча шаҳарларида махсус марказлар ташкил эта бошлади. "Бу марказлар аҳолининг фолбин-сехргарлар, кўзбўямачилар устидан шикоятларини қайд этади, ўрганади, айбдорларни аниқлайди", дейди маҳкама бошлиғи Иброҳим ибн Абдуллоҳ.

"Религия и СМИ"

Расулуллоҳнинг хизматчи ва вазифадорлари

Масалан, Қайс ибн Саъд Расули акрам ҳузурида миршаб вазифасида эдилар. Ҳазрати Билол харажатларга, Муайқиб ибн Абу Фотима муҳрларига, Ибн Масъуд мисвок, пойабзал ва таҳорат учун сув тайёрлашга масъул эдилар. Уқба ибн Омир сафарларида ҳамроҳ бўлиб, уловларини етаклар, Абу Рофеъ юкларини кўтарар эдилар. Абу Бакр элчиларни кутиб олиб, уларни Расулуллоҳ билан учрашувга тайёрлар эдилар.

Мубашшир АҲМАД тайёрлади

Гуноҳларни танийлик

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қуйидаги ҳадисларида келган қатъий хабарга биноан сочни қорага бўяш гуноҳлиги аниқдир.

"Охирзамонда соч-соқолларини худди каптарнинг думи каби қорага бўяб оладиган қавм чиқади. Улар жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайдилар" (Абу Довуд, Насаий ривояти). Бу иш сочига оқ тушганлар орасида кўп учрайди. Сочларини қорага бўяб, одамларни алдаш, ҳақиқий ҳолатни беркитишдек ҳийла-найранг қилишади. Шуниси ҳам аниқки, бундай бўянишнинг шахсий феъл-атворга ҳам таъсири бўлади. Яъни, кишида баъзан бир нав тантиқлик (бемаъни кибр)ни пайдо қилади.

Камолиддин ИНОЯТУЛЛОҲ тайёрлади

Замонавийлик ва ҳаё

Бизнингча, бугунги тижоратчиларимизга маърифатга интилиш, миллатсеварлик фазилатлари етишмайди. Уларнинг аксарияти нима қилиб бўлса ҳам, нимани сотиб бўлса ҳам фақат фойда топиш йўлига тушиб олишгани сир эмас. Бу ҳол эса хориждан бизнинг миллий урф-одатларимизга путур етказадиган, айниқса, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи енгил-елпи ҳаёт кўринишларининг илдиз отиши учун шароит туғдирмоқда.

Р. МАЖНУНОВА

Дилшода ҲАМДАМОВА тайёрлади

Нигоҳ

Геосиёсатда "Кимки Лотин Америкасига эгалик қилса, у дунё бошқаруви калитини қўлга киритади" деган қараш мавжуд. Сўнгги пайтларда жаҳонда етакчи бўлишга очиқ ҳаракат қилаётган АҚШ ва Россия ўртасида минтақа учун курашнинг кучайиб бораётгани мазкур мунозарали фикрни тасдиқлаётгандек...

Шафқатсиз рақобатга асосланган бу курашда Вашингтон томони кўпдан буён бой бериб келяпти. Бунинг бош сабаби эса Лотин Америкаси мамлакатларида бирин-кетин сўл қанот сиёсий партиялари ҳукумат тепасига келаётгани ва "америкача либерализм"га қарши бўлган етакчиларнинг ўзаро ягона иттифоққа бирлашаётганидир...

СЎЛ КАЙФИЯТДАГИ «ЯНГИ ДУНЁ»

Лотин Америкаси мамлакатлари Қўшма Штатларга қарши сиёсий иттифоққа бирлашяпти

Эво Моралес

Мичел Бачелет

Фидель Кастро

Уго Чавес

Лула да Сильва

Колумб бошлаб берган йўл

Дунё харитасида Лотин Америкаси деган жуғрофий ном Христофор Колумбнинг машҳур денгиз саёҳатларидан кейин пайдо бўлди. Бироқ жаҳонда ҳукмронлик қилиш орзуси, олтин васвасаси "Янги дунё" деб аталган ҳудуднинг халқаро майдондаги ўрни ва аҳамиятини қисқа фурсат ичида ошириб юборди. Ўтмиш пайтда улкан империя саналган Буюк Британия, Испания, Франция каби давлатлар Лотин Америкаси учун қонли урушлар олиб боргани маълум.

Бугун дунё сиёсати манзараси ўзгарган. Бир пайтлар гегемон мавқе эгаллаган империялар ўз ўрнини айнан Колумб кашф этган диёрда пайдо бўлган давлатга бўшатиб берган. Бироқ сиёсий манзара ўзгаргани билан сиёсий мақсадлар ҳозир ҳам ўша-ўша: биринчилик даъвосидаги давлатлар ҳали-ҳануз Лотин Америкасини стратегик аҳамиятга молик ҳудудлардан бири сифатида ўзгача қадрлашади.

Америка қитъасининг асосий қисмини эгаллаган ва 20 га яқин давлатни ўз ичига олган Лотин Америкасида 400 миллиондан ошиқ аҳоли истиқомат қилади. Бизнингча, ана шу биргина рақамнинг ўзи ҳудуд нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш учун кифоя.

"Катта таёқ"дан "яхши қўшничилик"ка

ХХ аср бошларидан Лотин Америкаси ҳудудида АҚШ нуфузи ошганини кузатиш мумкин. Эндигина мустақилликка эришган ва ҳали ўзини ташқи босимлардан муҳофаза қилишга қодир бўлмаган Бразилия, Аргентина, Чили, Мексика каби ҳудуд давлатлари Қўшма Штатларнинг иқтисодий ва сиёсий таъсир доирасига тушиб қолди. Оқ уй бу ерда дастлаб қўрқитишга асосланган "катта таёқ" сиёсатини олиб борди. Лотин Америкаси мамлакатлари ўз эркини талаб қила бошлаган бир пайтда зўравонликнинг ўзига хос маданий кўриниши бўлган бу сиёсат "доллар дипломатияси"га алмаштирилди. Яъни мамлакатлар энди иқтисодий тобеликка маҳкум этилди. Шу тариқа Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши даврида Лотин Америкаси Вашингтон томонида бўлди.

Қўшма Штатларнинг машҳур президентларидан бири Франклин Делано Рузвельт даврида Лотин Америкасига нисбатан янги "яқин қўшничилик" сиёсати ишлаб чиқилди. Шиддат билан ўзгараётган муҳит ва одамлар ошкора босимларни кўтара олмай қолган эди.

Урушдан кейинги даврлар Лотин Америкаси тарихидаги қоронғи саҳифалар билан ёдда қолди. Ҳудуди ва шунга яраша иддаоси ҳам кичик бўлган Чилидан тортиб Аргентина, Бразилия каби йирик давлатларда ҳокимият тепасига келган диктаторлик тузуми даврида минтақа бутунлай ташқи таъсир остида бўлди. Бу даврда умуммиллий манфаатлардан кўра шахсий ҳокимиятни сақлаб қолишни устун қўйган диктаторлар ўз давлатларини қўшқўллаб "катта оға"ларга топшириб қўйишди.

1990 йиллардан Лотин Америкаси мамлакатларида диктаторлик режимлари ағдарилиб, демократик ҳукуматлар ташкил этилиши билан сиёсий етакчилар яна миллий манфаат ҳақида бош қотира бошлашди.

"Америкача либерализм"нинг умри тугадими?

Лотин Америкаси сиёсий саҳнасида охирги пайтларда сўл кайфиятдаги сиёсий партиялар мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатни ривожлантиришнинг социалистик вариантини ёқлаётган Венесуэла, Боливия каби давлатлар раҳбарлари "америкача либерализм" даври якунлангани, энди "империализм" уларни алдай олмаслигини билдиришмоқда. "Империализм" деганда қайси давлат назарда тутилаётганини ўқувчилар сезиб турган бўлсалар керак.

Бир пайтлар васий ва ҳомий вазифасини бажарган давлатдан воз кечган минтақа мамлакатлари ҳар қанча сиёсий мустақиллик даъво қилмасин, барибир буюк иттифоқчисиз узоққа боролмаслиги аниқ. Дипломатиянинг ана шу ёзилмаган қоидаси Лотин Америкасида Қўшма Штатлардан кейин яна бошқа бир буюк давлат таъсири ошишини тақозо қилади. Демак, минтақа давлатларининг эндиги таянчи Россия...

Москва ҳамкорини яккалаб қўймади

Венесуэла — Америка қитъасидаги Оқ уй ҳукуматига очиқ қарши бўлган давлат. Мамлакатни 1998 йилдан бери идора қилиб келаётган президент Уго Чавес АҚШни босқинчилик сиёсатида айблайди ва халқаро ҳамжамиятни Жорж Буш режимига қарши курашга чақиради. Турли шов-шувли чиқишлари, можароли баёнотлари билан танилган Уго Чавес ҳаттоки Америка президенти унга қарши суиқасдга ҳозирлик кўраётганини ҳам иддао қилади.

Хуллас, нефть заҳираси бўйича минтақада биринчи, газ заҳираси бўйича дунёда саккизинчи ўринни эгаллаган истиқболи нурли Венесуэла аллақачон Вашингтон амлокидан чиқиб кетган. Бу Уго Чавеснинг ўтган ҳафта Россияга қилган ташрифи мобайнида яна бир карра исботланди.

Федерацияга ташриф давомида Уго Чавес Москва билан 1 миллиард долларлик ҳарбий шартномаларга имзо чекди. Битимга кўра, Венесуэла Россиядан 24 та Су-30 қирувчи самолёти ва 53 та Ми-35 вертолёти сотиб олди. Бундан ташқари, Лотин Америкаси давлатига 100 минг дона Калашников автомати етказиб берилди. Яқин кунларда эса Венесуэлада АК-103 автоматини ишлаб чиқарувчи завод ҳам ишга тушади.

Бир пайтлар тўлалигича Америка ҳарбий техникасидан фойдаланган Венесуэланинг эндиликда Россия билан росмана иттифоқ тузаётгани Вашингтон томонидан хотиржам қабул қилинаётгани йўқ, албатта. Владимир Путин ва Уго Чавес ўртасида ҳарбий шартнома имзоланиши арафасида Оқ уй маъмурияти томонидан Каракас ҳукуматининг бу қадар кўп ҳарбий техника сотиб олиши минтақадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатиши ҳақида билдирилган хавотир Москва томонидан рад этилди. Ҳарқалай, рақиб ҳарбий техникасидан бутунлай воз кечиб, тўла Россия аслаҳалари билан қуролланаётган, боз устига, ўз ҳудудидаги улкан нефть конларини ўзлаштиришдек манфаатли ҳамкорликка таклиф этаётган давлатни Москва оғир вазиятда яккалаб қўймади.

Кенгайиб бораётган иттифоқ

Бундан ўн йиллар олдин ҳам Оқ уй сиёсатдонлари бу қадар мураккаб ҳолатга тушишмаганди. Чунки минтақада Вашингтонга қарши кайфиятдаги биргина Куба давлати бор эди. Қайсар ва ўзбилармон Фидель Кастро ҳар қанча уринмасин, барибир ёлғиз эди. Ёлғиз отнинг эса чанги чиқса ҳам, донғи чиқмайди...

Бугунги кунда эса Лотин Америкасида Қўшма Штатларга қарши бутун бошли иттифоқ шаклланди ва тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Боливияда ўтган сўнгги президентлик сайловида сўл партия етакчиси Эво Моралес ғалабага эришди. Кастро ва Чавес билан яқин дўстлик алоқаларига эга бўлган янги президент ишни хорижий сармоядорлар қўлига ўтиб кетган нефть ва газ саноатини ҳукумат назоратига олишдан бошлади. Айни пайтда Моралес Венесуэла томонидан тузилган иттифоқда фаол иштирок этяпти.

Минтақанинг энг йирик давлати Бразилияда эса мўътадил қарашли Лула да Сильва маъмурияти ҳукумат тепасида. Да Сильва гарчи Вашингтон сиёсатига очиқ қарши бўлмаса-да, лекин мустақил ва эркин бошқарув тарафдори.

Ҳалигача генерал Пиночет етказган жароҳат оғриқлари билан яшаётган Чилида ҳам йил бошида ўтказилган президентлик сайловида сўл кучлар ғалабага эришди. Социалистлар партияси раҳбари Мичел Бачелет ҳоним мамлакат тарихидаги илк аёл президент бўлди.

100 миллиондан ошиқ аҳоли истиқомат қилаётган Мексикада ўтган ойда бўлган президентлик сайловида сўл партия вакили Андреас Обрадор рақиби Филип Кальдерондан бор-йўғи 0,5 фоиз кам овоз олди. Бироқ Мексикада кечаётан ҳозирги сиёсий жараёнлар сўл кучларнинг бу муваффақиятсизлиги ҳам муваққат эканидан далолат бераётгандек...

Қаззофий, Лукашенко ва Уго Чавес

Сўл иттифоқ ташкилотчиси бўлган Венесуэла раҳбари Уго Чавес Оқ уйга қарши курашга қаттиқ бел боғлаган кўринади. Каракас етакчисининг сўнгги хорижий сафарларини таҳлил қилганда, Сиз ҳам ана шундай хулосага келишингиз аниқ.

Уго Чавес бир муддат аввал Ливияга расмий ташриф билан келди. Триполида уни Ливия раҳбари, халқаро доираларда АҚШга қарши сиёсатдон сифатида танилган полковник Муаммар Қаззофийнинг ўзи кутиб олди ва қабул қилди.

Сафарнинг мантиқий давоми сифатида Венесуэла раҳбари ўтган ҳафта Белорусь пойтахти Минскка ташриф буюрди ва Оқ уй томонидан диктатор деб эълон қилинган ҳамда Америка ҳудудига кириши тақиқланган Александр Лукашенко билан учрашди. Учрашув давомида ташқи таҳдидлар ва империализмга қарши кураш борасида икки давлат ўртасида стратегик иттифоқ тузилди.

Лотин Америкасида серсоқол Фидель Кастро орзу қилган дамлар келди гўё. Бироқ ана шундай қувончли кунларда, таассуфки, "шакарқамиш ороли" доҳийсининг қўлидан иш келмайди. Бироқ кекса Кастро ҳеч афсусланмаса ҳам бўлади. У ҳудди ўзи каби серғайрат, серҳаракат ва айнан ўзидек шошқалоқ, шовшувларга ўч издош тайёрлади. Ҳарқалай, жиддий ишларда унга ишонса бўлади. Ахир, Кастронинг издоши бутун бошли Америкага қарши иттифоқ ташкил этишдек мураккаб вазифани уддаладику...

Собиржон ЁҚУБОВ

P. S. Яқин кунларда Лотин Америкасининг Перу, Эквадор, Никарагуа каби давлатларида ҳам президентлик сайлови бўлиши кутиляпти. Агар ушбу мамлакатларда ҳам сўл кучлар зафарга эришса, демократияни ҳатто Яқин Шарқ ва Афғонистонга экспорт қилиш ҳаракатида бўлган давлатга қийин бўлиши аниқ...

ҚЕМТИК ЎНГИЛЛАР

Навоий шаҳар ногиронлар жамияти уларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда

Навоий шаҳар ногиронлар жамияти вилоят миқёсида энг фаол нодавлат нотижорат ташкилотларидан бири саналади. Жамият вилоят адлия бошқармаси томонидан 1996 йил 28 июлда рўйхатга олинган. Айни кунда жамият таркибида 1500 нафар катта ёшдаги, 500 нафар ногирон бола бор. Жамиятнинг асосий мақсади кўнгли ўксик кишилар муаммоларини ўрганиш, моддий жиҳатдан рағбатлантириш ва ҳимоялашдан иборат.

Айдинар Исхаков 2001 йилдан буён Навоий шаҳар ногиронлар жамиятининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келяпти.

Ногиронларни ҳимоялаш ва уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича Навоий вилоят ва шаҳар ҳокими бир қатор қарорлар қабул қилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, жамият 2003 йилдан буён вилоят ва шаҳар «Ташаббус» кўрик-танловида қатнашиб юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Ана шунинг учун ҳам жамият бир неча маротаба вилоят ҳамда шаҳар ҳокимининг мақтов ёрлиғи билан тақдирланди.

Ногиронлар жамиятида 57 нафар уруш қатнашчиси, 62 нафар уруш ортида меҳнат қилган аъзолар ҳам бор. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан фахрийларга эсдалик совғалар улашилади. Бундай ҳомийлик ишларини амалга оширишда Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ОАЖ, «Қизилқумцемент» ОАЖ, Рус маданият маркази ва Навоий вилоят Нуроний жамғармасининг ҳиссаси каттадир.

Навоий шаҳар ногиронлар жамияти томонидан 500 нафар ногирон болага ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиб келинади, етарлича шароит яратилмоқда. Ҳар йили 1 июнь Бутунжаҳон болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб болалар учун байрам дастурхони безатилади. Ногирон болалар ўртасида ҳар йили баҳор ва ёзги таътилда энг чиройли расм чизиш кўрик-танлови ўтказилади. Танловда юқори ўрин эгаллаган ёшларга ҳомий ташкилотлар томонидан эсдалик совғалар тарқатилади.

Биринчи синфга қадам қўяётган ногирон болажонлар учун жамият томонидан турли ўқув жиҳозлари берилиб, байрам дастурхони ташкил этиш одат тусига кирган. 2002 йил Навоий конметаллургия комбинати томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида жамиятга 1 дона компютер берилди. «Навоийазот» ОАЖ томонидан эса уруш қатнашчилари ва фронт ортидан қатнашиб жонбозлик кўрсатган фахрийларга байрам дастурхони ёзилди. 49 та турли хилдаги спорт анжомлари топширилди.

Навоий шаҳар ногиронлар жамияти айни пайтда Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Олмаота шаҳар ногиронлар жамиятининг аъзоси ҳисобланади.

Жамият филиали Зарафшон шаҳрида ҳам очилган. Айни кунларда Учқудуқ ҳамда Конимех туманларида ҳам жамият филиалини очиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Навоий шаҳар ногиронлар жамияти бутунжаҳон кўрик-танловлари гранти бўйича ҳам қатнашиб келмоқда. 2001 йилдан буён ногиронлар жамияти томонидан 42 километрлик Конимех—Янгиқўрғон—Кармана—Навоий йўналиши бўйича марафон ўтказилиши йўлга қўйилган. Унинг ташкилий масаласи вилоят ҳокимияти томонидан бошқарилиб келинмоқда. Бу марафонни ташкил этишда НКМКнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Ногиронлар жамияти бошчилигида ногиронлар ўртасида спорт жамоаси тузилган. У 2004 йилдан буён фаолият юритиб келади. Мазкур жамоанинг 2004 йилда Республикада сузиш спорт тури бўйича биринчи ўринни эгаллагани қувонарли ҳолдир. Айни кунда ушбу жамоага тажрибали мураббий Игор Шишков раҳбарлик қиляпти. У спортчилар билан «Навоийазот» ОАЖга қарашли «Химик» стадионида мунтазам машғулотлар олиб боради.

Ногиронлар жамияти жорий йилда ўтказилган «Ташаббус — 2006» кўрик-танловида фаол қатнашиб, бир қатор эсдалик совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Бутунжаҳон болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Қизилқумцемент» ОАЖ ҳомийлигида шаҳардаги 120 нафар ногирон болага Навоий шаҳар миллий банкида ҳисоб рақами очилиб, омонат дафтарчаси топширилди. Шу ўринда айтиш жоизки, булар Навоий шаҳар ногиронлар жамияти томонидан қилинган ишлардан бир шингили, холос.

Отабек АСЛОНОВ,
«Hurriyat» мухбири

Қонунни биласизми?

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда).

11- модда. Жамоат бирлашмаси

Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-модда. Жамоат фонди

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўйиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Жамоат фонди ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт.

13-модда. Муассаса

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этади.

14-модда. Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти

Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонундан

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқароларни жамиятни шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишда ННТнинг ўрни".

Эҳтиром

ОЙДИН ҚАЛБЛИ МЕҲРИБОН АКАМ

Қамчибек ака Кенжабоев...

Бу ном менинг ҳофизамга қачон кириб келган, аниқ эслолмайман. Эҳтимол, туманимизда чоп этилувчи "Пахтакор" газетаси, эҳтимол, ёшлик давримизнинг энг дов ҳафталик нашри — "Ўзбекистон маданияти" орқалидир.

Ҳар қалай, Қамчибек Кенжа деган тахаллус менинг тасаввуримда мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ ифтихор тимсолига айланган эди.

Аксарият уйларининг токчасида ўн беш, йигирмата китоб дадил тахланиб турмайдиган содда ва беғубор қишлоқдошларимнинг кемтик ва синиққан шуурини халқ хўжалигининг турли соҳаларида мамлакатимизга озми-кўпми танилган Чирмаш Азимов, Аслонбек Ахтанов, Эъзозхон Исроилова, Ҳидоятхон Холматова, Самсоқбой Асронов, Шермат Юсупов, Али полвон Каримов, Ўсар полвон Ботиров, Абдусамат Тиллабоев, Шаробиддин Сайфиддинов, Мамадали Суяров, Холхўжа Ғозиев сингари фидойи сиймолар баҳоли қудрат нурлантириб турар эдилар.

Улар ҳақидаги саргузаштларни нафақат менинг қишлоқдошларим, балки бутун избосканликлар ўз ота-онасини эъзозлагандай меҳр ва ғурур билан бир-бирларига қайта-қайта сўзлаб беришдан чарчамас эдилар.

Избосканда туғилиб вилоят ёки пойтахт миқёсида фаолият юритаётган Муталибжон Усмонов, Сайфиддин Турсунов, Уммат Тўйчиев сингари олимлар номини туманимиз аҳли бутун жони-жаҳонини ёритиб турган биллур қандиллардай ўз қалблари шифтига осиб олган эдилар.

Бироқ бадиий ижод соҳасида етишиб чиққан намояндалар ҳақида гап кетса избосканликлар мум тишлаб қолардилар. Рўмон тугул тузукроқ шеър ёки ҳикоя ёзиб, Қорадарёни шитоб хатлаб вилоятни "забт" этган ижодкорнинг номи тилга келавермас эди.

Қамчибек Кенжа...

Бу ном избосканликлар хаёлотида тиканли симдай тортилиб, юракларни тирнаб, оғриқ бериб турган ўша армон чегарасини биринчи бўлиб бузиб ўтган ижодкор сифатида ўзбек адабиёти тарихига кирди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари. Ўша давр адабий йўналишини янги бир ўзанга буриб юборган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Шукур Холмирзаев, Омон Матжон сингари буюк қалам соҳиблари ортидан илҳом арғумоғини ўйнатиб яна бир гуруҳ талантли, ўзига хос феъли-атворли ижодкорлар тўлқини шиддат билан адабиёт майдонига кириб келди. Ана шу тўлқинда Андижоннинг чекка, Гуркуров қишлоғидан чиқиб келган, кўзлари порлаб турувчи, жингалак соч, қорамағиздан келган Қамчибек исмли йигитча ҳам бор эди. У юриш-туришда ота касби — деҳқондай содда, фикрлари қишлоғига туташиб кетган ўрмонзор табиатидай сирли, жозибали, қораламалари эса Гуркуровнинг икки томондан айқириб оқиб ўтувчи асов Тентаксой ва сокин Қорадарё каби ички-ташқи туғёнларга бойлиги билан пойтахт адабий жамоатчилигининг эътиборини торта бошлади. Турли йиғин ва мушоираларда шеърлар ўқиб назм ихлосмандлари меҳрини қозона бошлаган бу ёш шоирнинг кутилмаганда "Балиқ ови", "Яшил барг" номли ҳикоялари босилди-ю, таниқли адиблар, адабиётшунослар ўзбек адабиётида яна бир иқтидорли ёзувчи пайдо бўлгани ҳақида ёза бошлашди. "Соҳилда", "Бир кеча минг кеча" ва бошқа бир қатор ҳикоялари адабий жамоатчилик ўртасида қизғин баҳсу мунозараларга сабаб бўлгани ҳамон ёдимизда.

Биз ҳозир Қамчибек ака ижодини таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Зеро, у киши қаламига мансуб асарлар мамлакатимиз адабий-бадиий салоҳиятини намоён қилиб турган атоқли адиб ва мунаққидлар томонидан муносиб баҳоланган, ўрганилган, ўрганилмоқда.

Каминани бу ўринда Қамчибек ака ижодининг мухлис-муҳиблари қатори камтаргина ифтихори ва миннатдорчилигини изҳор этиш учун имконият излаб келган бир шогирд сифатида қабул қилишларини истардим.

Одам бирор шахснинг қайсидир фазилатига ҳавас қилган бўлса ҳам қарздор мақомидадир, дейдилар. Қамчибек акага мен нафақат ҳавас қилдим, балки бир умр суяниб, ўтган инсонлар билан учрашилади. Шунда мен доим одам ҳавас қиладиган бир ҳолатдан таъсирланаман. Қамчибек ака қаерга бормасин, орзиқиб кутилган инсон сифатида қарши олинади.

Мен бу иззат-икромни у кишининг олийжаноб шахсига, талантли ижодига, туғиб ўстирган Андижон аҳлига кўрсатилган эҳтиром сифатида англайман. Бундан шубҳасиз қувонаман, фахрланаман, ғурур туяман.

Суратда: Андижон. Боғи Бобур. Қамчибек Кенжа, устоз Назир Сафаровнинг ўғли Асқар Сафаров ва Абдунаби Бойқўзиев.

Адибимизнинг бундан ўттиз бир йил илгари чоп этилган "Соғинч" номли илк рисоласи саҳифалари қуйидаги шеър билан якунланган эди.

Чиққан эдим йўлга излаб
Тушда кўрган малагим.
Шундан бери куйлаб, бўзлаб
Талпинади юрагим.

Билмайман асли ким у —
Фариштами ёки ҳур,
Йўлимга у сочар ёғду,
Ўн тўрт кунлик ой эрур.

Яқинмикан манзил, олис—
Қайда унинг гўшаси?
Айтинг дўстлар, айтинг холис,
Мен нетарман ўшасиз?

Бахтим чопиб етсам агар
Оғушига оларми?
Тошбағирми ё ситамгар,
Ёки... ҳайдаб соларми?

Чалинмоқда кўзларимга
Олисларда бир пари.
Ором бермас ҳисларимга
Ул кўнгил сеҳргари.

Шоир тасаввуридаги "Ором бермас, кўнгил сеҳргари" соҳир сиймо тажаллиси — Ижод, яъни бугун халқимиз севиб ўқиётган ажойиб шеърлар, ҳикоялар, сафарномалар бўлса не ажаб. "Бахтим чопиб етсам агар, оғушига оларми? Тошбағирми ё ситамгар, ёки... қувиб соларми?" — дея андишаланиб, ижод гулшанига кириб келган ўша навқирон Қамчибек Кенжа олтмиш ёшни қоралаяпти. Садоқат билан излаган "ситамгар", "фариштa"си, ҳайрият, уни ноумид қилмади. Бир умр тунларни тонгларга улаб чеккан оҳлари, тортган азоблари — вафоси эвазига вафо билан жавоб қилди. Бу вафо ҳарорати Қамчибек аканинг ижоди — асарларида бутун бўйи-басти, малоҳати билан намоён бўлиб турибди. Мана шу вафо жуфтлигига биз ҳам баҳо мақомини тилаймиз.

Устоз. Дилимизда изҳорга интилган гаплар кўп. Ушбу ночор мисраларни шогирдлик эҳтироми сифатида қабул қилгайсиз.

ТЕРМУЛ УСТОЗ КЎЗИНА

Гар камол истаюрсен, термул устоз кўзина,
Тавоб қил, сур кўзинг солик либоси бўзина.

Тош бўла тегди неча бошина авбошлиғинг,
Эмди бошни сомеъ тут, кам, оёғи тизина.

Лабларинг туйди магар тотли туз, ошлуғларин,
Эмди Улдин розилиқ. Гар ўзи рози тузина.

Кўзина термултмай оҳингдан айланди мудом,
Айланурда сен мудом боқдинг замона тусина.

Бас, умри вофир тила, восил эт де васлина,
Ҳар қалам тутганда қил илтижолар, Ўзина.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Назм

КАММИДИ КЎЗ ЁШЛАРИМ, О, КАММИДИ?

ҚУШИҚ

Зулайхо Бойхоновага

Каммиди кўз ёшларим, о, каммиди?
Жамласа дарё бўлур, о жаммиди?

Нолаю афғон ила учратдим, оҳ,
Шунча ўтган дамларим, о, даммиди?

Қақнусми бу ёки най — баҳри ўйиқ,
Ёки куйиб ёнаётган шаммиди?

Ёки булбул ошён қурмиш кўксида,
Аллоҳим, ё чашмаи замзаммиди?

Ярадор оҳу ёхуд тўрғай нолон,
Бир юракда барчаси ҳамдаммиди?

Жон титради кўз олусин яроғидек,
Титрамаган жонмиди, одаммиди?

Ошиқ шоир ё шоир Азим — адо,
Энди неткай, топгани шу каммиди?

ИЗЛАЙМАН

Бу саҳрода адашдим, оби равон излайман,
Саробларга кўз тикиб қора карвон излайман.

Нажот кутиб саҳронинг қовжироқ гиёҳидан
Ярадор оҳу каби малҳами жон излайман.

Бир меҳрибон излабон ўтиб боради умрим,
Отаю онам каби бир меҳрибон излайман.

Зуҳро юлдузин кўрдим ҳилолнинг қучоғида,
Ҳилол янглиғ бағримда оромижон излайман.

Болҳўр қушлардан зада болари мисол, Аллоҳ,
Ҳар чечакдан бол истаб гирён-гирён излайман.

Тоғдан тушиб келганман юксакни кўзлаб асли,
Бир толе бахш этгувчи ҳотами хон излайман.

Саҳна гуллари монанд бу ҳаёт наҳот, Азим,
Кўрганларинг ёлғондир, гарчи ёлғон, излайман.

Не излаган бўлсам, оҳ, ўзимда экан, ёрон,
Бу дунёда бунчалар мен нотавон, излайман.

АЙТМА

Ўзни эркак билсанг, йигит санасанг,
Аёлнинг ортидан ёмон сўз айтма.
Балки хокисорсан, балки манмансан,
Аҳлинг ўзингдадир, ёлғон сўз айтма.

Йўлларнинг қадрини карвонлар билгай,
Уларга раҳнамо сарбонлар билгай.
Аёл қимматин чин инсонлар билгай,
Инсонлар ичра бўл, нодон сўз айтма.

Нималар кўрмади не бева бошлар,
Мен кўрганим — улар кўзида ёшлар.

Майли, гуноҳкордир, отмагил тошлар
Ўзинг гуноҳсизми, сарсон сўз айтма.

Сенинг гап қилганинг, бир уй бекаси,
Балки синглинг каби биров эркаси.
Йўлчи йўлни енгар, тилни — эгаси,
Тилнг султони бўл, пушмон сўз айтма.

Тириклик зийнати аёлдир аёл,
Эр йигит давлати аёлдир аёл.
Гар аёл ҳақида нима эҳтимол,
Азим, қурбон бўлу гумон сўз айтма.

ДАРАКЧИҚУШ

("Даракчи" газетасига)

Қоратовда яшайди бир қуш,
Даракчиқуш — қилиқлари хуш.
Яралибди шу замин, фалак,
Тоғларда у доим жонсарак.

Ҳар жойда бор тошу тарозу,
Ҳар нарсадан хабардордир у.
Дейлик, чиқди бир овчи овга,
Ташлангудек бўлар бу "ёв"га.

Тўрт тарафга зир-зир учиб сўнг,
Кийикларга, дер, ҳушёр бўлинг.
Бўлмангиз, дер, лоқайду гумроҳ,
Ҳар бирини қилади огоҳ.

Ёки хатар етса какликка,
Учиб борар ёнига тикка.
Тулки пойлаб келмоқда, дейди,
Қара, кўзи ёнмоқда, дейди.

Сен-чи, дейди, ўзни унутиб
Куйлаяпсан ғафлатга ботиб.
...ўтлаб юрар тоғларда сурув,
Чўпон ухлар беғам, беқайғу.

Пана-пастқам изсиз сўқмоқдан,
Қашқир чиқиб келар тўқмоқдай.
Даракчиқуш аллақачанок,
Қоялардан кўриб турар, боқ.

Учиб келар чўпон ёнига,
Тумшуқ урар нақ товонига.
У турарми ўрнидан аммо,
Буёғи чўпонга ҳавола...

Даракчиқуш, ана, шундай қуш,
Менинг учун одатлари хуш.
Сизга айтсам, мени у бир вақт,
Бир илондан асрагани ҳақ.

Овга чиқиб, бир куни тоғда,
Ухлаб қолдим қай бир овлоқда.
Мазза қилиб кўрар эдим туш.
...бошим узра чириллади қуш.

Туриб кетдим, бир гурзи илон
Судраларди мен ётган томон...
Айтса ҳамки у ками кўстим, —
Даракчиқуш менинг чин дўстим.

Азим СУЮН



Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

— Кўрдингизми, дадаси, жўжамиз тухумдан чиқмасдан ашула айтяпти. Келажакда ундан «юлдуз» чиқадими дейман...

Воқеа

АНЖИРИЙ

Тўй эгаси Юнус полвон Илҳом кўчасининг 30-уйи эшигини оҳиста қоқди:

— Ким у, кираверинг, — деган йўғон овоз эшитилди.

Юнус полвон рўпарасига калиш судраб, бир барваста йигит келарди. Унинг тарвақайлаб кетган қоп-қора жингалак сочи устида чуст дўпписи омонатгина турарди. Юз-бурун қип-қизил. Бу кеча юмалаб арақ ичгандан дарак.

— Салом, салом, келинг, окахон, — деди у икки қўлини узатиб кўришар экан.

— Хизмат, ҳурматли меҳмон.

— Сиз шоир Анжирийми?

— Топдингиз ўзлари. Мен Анжирийман. Ҳув Тўрақўрғон томонларда Анжир қишлоқ бор-ку. Ана ўша баҳаво ерданман. Сизга қандай тушунтирсам экан. Биласизми, Муқимий, Машраб, Гулханий, Жомий деган шоирлар бўлган. Мен эса тўйларимизда шуҳрат топган ҳозиржавоб ва ноёб истеъдодман. Ҳамманинг оғзидаги Анжирийман.

— Ҳа, эшитгандим. Сизни мақташади. Тўй бошқаришни қотираркансиз.Шунинг учун сизни излаб келдим. Эртага тўй, ҳурматли Анжирий. Агар рози бўлсангиз, сизга шу шодиёнани бошқариш вазифаси ишонилади.

— Э, окахон, бу иш менга хом тухум ютишдек осон, асосга ўтинг, асосга! Хизмат ҳақидан гапиринг. Тўйда шоирлик қилсам, қанча ҳақ тегади?

— Нақд 50 минг сўм берамиз. Яна у-бу, отарчиликлардан тушганидан.

— Ҳеч бўлмаса яна 300-400 сўм қўшинг, тасаддуқ. Ахир мен бутунлай бошқача шоирман. Ўзингиз ўйланг, шоирлар кўп. Аммо махсус тўй шоири анқонинг уруғи. Мен фақат эътиборли, маблағи дурустроқ одамларнинг тўйларини бошқараман. Тўй учун қалб қўрим билан махсус шеърлар ёзаман, окахон. Бу мушкул иш.

— Бўпти келишдик, айтганингиз бўлсин, қадрли Анжирий. Эртага "равно" соат 8 да "Маҳлиё" ресторанида ўтказиладиган ёшлар тўйида кутамиз.

Кечки пайт. Атрофда чет эл мусиқаси янграмоқда. Насибахоннинг баландлатиб эшиттириладиган мосламаларда қулоқни қоматга келтираётган "Бари гал"и барчанинг кайфиятини кўтармоқда. Тўй эгаси Юнус полвон, қавм-қариндошлар, ёру дўстлар, жигаргўшалар хизматда. Тўй кечасининг очилишига ҳамма нарса тахт. Ташриф буюрган азиз меҳмонлар столлар атрофида жамул-жам. Фақатгина ҳамма орзиқиб кутаётган тўй шоири ҳали етиб келмаганди. Ниҳоят ярақлаган "Нексия" ресторан олдига келиб тўхтади. Ундан тўй шоири Анжирий тушди ва ўзини ичкарига урди. У ҳамма билан бошини эгиб саломлашди-да, тўғри отарчилар олдида гердайиб турган микрофон олдига ўтди.

— Муҳтарам меҳмонлар, — деди у. — Мен бугун ушбу шоду хуррамлик кечасини бошқаришдек қутлуғ ишончга сазоворман. Мен тўй шоири Анжирийман, ўртоқлар. Тахаллусим Анжир деган мевадан келиб чиққан. Бугун тоғлар фарҳоди Тошқобил ҳамда гуллар шайдоси Асалойларнинг бахт кечаси. (У жигарранг костюми чўнтагидан буклоғлик қоғозни, яъни маърузани олади.)

Шу муносабат билан юрагимдан Норин дарёсидай жўшқин шеъримни ўқиб беришга рухсат бергайсизлар.

Атроф гўзал, ёшлар гўзал,
Рўпарада юмшоқ Тошқобил,
Бир паридай ўтирар Асал,
Ҳаётларда бўлманг ноқобил.

Юнус полвон отадир сизга,
Ойтўрахон онадир сизга,
Эҳ, меҳмонлар, қарангиз қизга,
Бу тўйдан сўнг киргайсиз юзга.

Бугунги кун ўзи бир ёшлик,
Янги рўзғор, қилманг бебошлик,
Ушбу тўйда очиқ эшикман.
Фарзандлар туғилса,
тирик бешикман

— Қойил, шоир, қойил, — деди довдираб Анжирийга пешвоз чиқиб келаётган меҳмонлардан бири. У микрофонни чайқалиб қучоқлар экан, гулдиради:

— Оғайнилар, шу қаймоқдай ажойиб шеър учун қадаҳлар кўтарилсин.

Тўй бошланиб, стол атрофи ғала-ғовурга айланиб кетди. Кеча давомида Анжирий ўзининг "Тўйлар борки, одам тўяди", "Дилда сеҳринг", "Ўнта боланг бўлмаса", "Шайдойингманг, Шайдохон", "Юрагим кўпригидан ўт" каби шеърларни зўр эҳтирос билан ўқиди.

Тўй сўнгида Юнус полвондан шоирлик ҳақида ундириб олаётган Анжирий олдига ўткир нигоҳли бир йигит келиб қолди:

— Анжирий салом, — деди у.

— Сиз тўй шоири экансиз. Мен ҳам шоир Азимийман. Келиннинг синфдоши бўламан.

Азимийнинг кўзида нафрат ўти бор эди:

— Анжирий, инсоф борми ўзи? — деди у тутоқиб. — Тўйларда қанақа тутруқсиз шеърлар ўқияпсиз?

— Сиз, ука, журналпурнал, радио ёки газета шоиридирсиз. Камина тўй шоири. Менга бу касб ёқади. Ҳар кимнинг ўз араваси бор, қобилиятига яраша тортаверади.

— Фарзандлар туғилса, тирик бешикман.

Ушбу тўйда очиқ эшикман... бу нима, деганингиз? Тирик бешик ҳам бўладими? Унинг ичидаги тирикдир ахир, ғовлаган шоир.

— Э, оғайни, қўйинг. Ҳар кимнинг ўз йўли. Сиз Азимий. Мен эса Анжирий.

— Ҳа, дарҳақиқат сиз шоир эмас, Анжирийсиз. Анжирнинг ҳам пачоқ-мачоғи. Э, тахаллусингдан ўргилдим. Анжирий эмиш. Сендан кейин Тоифий, Гилосий, Бодомий, Шолғомий чиқса борми, шеърият нима бўлади ўзи?

Пўлат ҲАМДАМ,
Наманган

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК

TURON BANK

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Акциядорлик тижорат Турон банки

Сизга пластик карточкалар орқали замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади.

АТ Туронбанки пластик карточкалари бу:

- **товарлар ва хизматлар учун тўлов қулай бўлган самарали восита;**
- **ҳар ойда ойлик 16 фоиз ҳисобида даромад олиш имконияти;**
- **маблағларни ўғирланишдан ишончли кафотланиш;**
- **маблағларни исталган вақтда республикадаги барча терминал ва банкоматлар орқали нақд пулга айлантириш имконияти.**

Шунингдек, АТ Туронбанки

Сизга янги хизмат тури — СЎМ КОРПОРАТИВ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИни таклиф этади.

Сўм корпоратив пластик карточкалари юридик шахс мақомига эга ташкилотлар ҳамда ҳусусий тадбиркорлар учун очилади.

Сўм корпоратив пластик карточкалари:

- **сотиб олинган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва хизмат сафарлари тўловлари учун ҳисоб-китоб қилиш;**
- **юридик шахслар билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш учун мўлжалланган.**

Сўм корпоратив пластик ҳисоб варағини очиш учун банк филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 144-32-52. 144-33-94

Турон банк Сиз билан, Сиз учун!

ЭЪЛОН

«MEDIA IMPERIYA» шўъба корхонаси тугатилади. Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тел.:136-55-89

O'zbegim aqlah yet HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Тахрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 957
Т: 3204
1 2 3 4 5

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.